

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Тарих факультети
Ўзбекистон тарихи кафедраси

Қўлёзма ҳуқуқида

АЗИМОВ РАВШАН

**ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИДА ШАҲАРЛАР ПАЙДО
БЎЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

5120300 – тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим йўналиши
бўйича бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Иш раҳбари: тарих фанлари
номзоди, доцент Д.Собирова

Андижон – 2016 йил

**МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИДАН ТОПИЛГАН
АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАР ТАРИХИ**

РЕЖА:

КИРИШ.....	3
I БОБ. ШАХАРЛАР ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА АРХЕОЛОГИК МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ЎРНИ.....	6
II БОБ. СОПОЛЛИТЕПА, ЖАРҚЎТОН, КУЧУКТЕПА ИЛК ШАХАР СИФАТИДА	30
III БОБ. ТЕМИР ДАВРИГА ОИД ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИДАН ТОПИЛГАН ИЛК ШАХАРЛАР.....	43
ХУЛОСА.....	50
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	52

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин, она-Ватан тарихини билишга, ўзликни англашга қизиқиш ортди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, “Ўз тарихини билмайдиган, кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Бу ҳақиқат кишилик тарихида кўп бора ўз исботини топган”¹.

Тарих сабоқлари инсон учун намуна бўлади, таълим тарбия беради. Тарих сабоқлари халқни ҳушёрликка, ўз озодлигимиз, истиклолимизни кўз қорачиғидек асрашга ундайди. Ислон Каримов таъкидлаганидек, “Модомики ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳақиқий тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантиришимиз, яна бир бор қуроллантиришимиз зарур”².

Бугунги кунда тарихшунослигимизда ўрганилиши долзарб бўлган масалалардан бири – Ўзбекистоннинг жанубидан топилган археологик ёдгорликлар тарихидир. Ўзбекистоннинг жанубидаги ҳудудлар инсоннинг яшаши ва меҳнат қилиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни қамраб олган, географик жиҳатдан қулай жиҳатда жойлашган. Бу эса ўз навбатида ушбу ҳудудларни ўрганиш учун маълумотларни тўплашга чақиради. Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўзбекистоннинг жанубидаги археологик ёдгорликларни кенг миқёсида тадқиқ этилиши натижасида ушбу ҳудудларнинг қадимги тарихи ва маданияти тўғрисида бой маълумотлар олинди.

Тадқиқотнинг иккинчи боби бронза даврига оид Ўзбекистоннинг жанубидан топилган Сополлитепа, Жарқўтон, Кучуктепа ёдгорликларини ўрганишга бағишланади. Ушбу бобда ватанимиз ҳудудида вужудга келган илк шаҳарлар тарихи моддий ёдгорликлари мисоллар асосида ёритиб берилган. Ушбу ёдгорликларни ўрганишда ўзбек тарихчиси, археологи академик Ахмадали Асқаровнинг тадқиқотлари санаб ўтилган.

¹ Каримов И.А. Юсак маънавият-енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008.-Б.4.

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Тошкент: Ўзбекистон, 1998.- Б.25.

Битирув малакавий ишининг учинчи бобида Ўзбекистоннинг жанубидан топилган темир даврига оид Ерқўрғон, Узунқир, Сангиртепа ёдгорликлари уларнинг ўрганилиш тарихи ёритилган.

Ишда темир даврининг мухим хусусиятлари билан бир қаторда илк шаҳарларга хос бўлган хусусиятлар моддий манбалар асосида ёритиб берилган.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Мазкур битирув ишини ёзиш учун кўплаб адабиётлардан фойдаланилди. Тадқиқотнинг назарий асосини Президентимиз И.А.Каримовнинг асарлари ва мавзуга доир билдирган фикр ҳамда нутқлари ташкил этади³.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари тарихини ёритишда тадқиқотчи олимлардан: А.Аскар⁴, Э.Ртвеладзе⁵, Б.Абдуллаев, А.Сагдуллаев⁶, Т.Ширинов, У.Рахмоновларнинг ишлари ўрганилди. Ушбу тадқиқотлар натижасида бронза даври ўлкамиз жанубий ҳудудларида бўлиб ўтган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиёти масалалари ва айниқса ушбу ҳудудларда илк шаҳарларнинг пайдо бўлиш асослари ва ривожланиш босқичлари, илк давлатчиликнинг пайдо бўлиши жараёнларига кўплаб аниқликлар киритилди.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объектини Ўзбекистоннинг жанубидаги ҳудудлар тарихини ўрганиш ташкил этади. Ишнинг предметини эса шу ҳудуддаги илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг тарихий тараққиёти ҳамда илк давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва у билан бевосита боғлиқ бўлган моддий ёдгорликларни ўрганиш масалалари тишқил қилади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотдан кўзланган асосий мақсад ва вазифалар қуйидагилардан иборат:

³ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. -Т., «Ўзбекистон», 1992; Ўша муаллиф. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т., «Ўзбекистон», 1995; Ўша муаллиф. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т., «Ўзбекистон», 1997; Ўша муаллиф. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. -Т., «Ўзбекистон», 1998; Ўша муаллиф. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т., «Шарқ», 1998; Ўша муаллиф. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т., Ўзбекистон, 1998; Ўша муаллиф. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т: Ўзбекистон, 2011.

⁴ А.Аскар⁴ Сапаллитепа Т.1973

⁵ Ртвеладзе.Э.В. Новые древнебактрийские памятники на юге Узбекистана// Бактрийские древности – Т. 1976.

⁶ Сагдуллаев А.С ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. Т. 2000

- Ўзбекистон жанубидан топилган тош даври ёдгорликларини илмий тадқиқотларга асосланган ҳолда ёритиш

- Ўша даврдаги тош даври, бронза даври, темир даври ёдгорликларини ўрганиш ва ҳудудий жиҳатдан уларни бир-бири билан таққослаш

- Ўзбекистон жанубида илк давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва унинг асосий жиҳатларини очиқ бериш;

Ишнинг илмий янгилиги. Тадқиқотда Ўзбекистоннинг жанубидан топилган ёдгорликлар археологик тадқиқотлар асосида ёритиб берилган. Ишда ушбу соҳа бўйича тадқиқот олиб борган археолог олимларнинг янги археологик тадқиқотлари санаб ўтилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Тадқиқотдаги материаллардан Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари тарихини ва мавзуга доир махсус курслар ташкил қилишда ҳамда амалий машғулотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг тузилиши. Битирув малакавий иш кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Иш 52 саҳифани ташкил этади.

I БОБ. ШАҲАРЛАР ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА АРХЕОЛОГИК МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ЎРНИ

Ўзбекистон тарихини ўрганишимизда моддий манбаларнинг алоҳида ўрни бор. Бунда археологик манбалар муҳим аҳамиятга эга. Олимларимиз тарих фанини ўрганишда даврлаштиришга алоҳида эътибор қаратишган. Ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятлари топилган ёдгорлаклари билан муҳим аҳамиятга эга. Шулардан бири қадимги тош даври. Ўзбекистоннинг жанубидан ўрта палеолит даврига оид кўплаб ёдгорликлар топилган. Ўрта палеолит даври илмий адабиётларда мустъе даври деб номланади. Бу даврга оид моддий ёдгорликлар дастлаб Франциянинг Мустъе ғор маконида топилгани учун шундай ном олган. Ўрта палеолит даври мил.авв. 100—40 минг йилликларни ўз ичига олади. Ҳозирда эса, Ўзбекистон археологиясининг ютуқларига асосланиб, унинг даври мил.авв. 200-100 минг йилликлар билан белгиланмоқда.

Ўрта палеолит даври ёдгорликлари жаҳон фанида мустъе ва леваллуа-мустъе (ривожланган даври) босқичларига ажратиб берилади. Ўзбекистон археологиясида ҳам шу босқичлар қабул қилинган бўлсада, тадқиқотчилар ўрта палеолит даврининг маҳаллий ўзига хос жиҳатларини, яъни тошни парақалашдаги ўзига хос техникавий услуб асосида, унинг 4 та маҳаллий гуруҳини ажратиб кўрсатадилар: мустъе, леваллуа, леваллуа–мустъе, соан⁷. Ўрта палеолит даврида ибтидоий одамлар ҳаёти ниҳоятда оғир кечган. Бу даврда эр юзида музлик даври бўлган. Ибтидоий одамлар совуққа мослашиш учун аввалги турмуш тарзини ўзгартиришга мажбур бўлишган. Совуқдан ҳимояланиб, ғорларни ўзлаштирганлар. Ҳайвон терисидан кийим тикиб кийганлар ва гулхан атрофида жон сақлаганлар. Термачиликнинг аҳамияти пасайиб кетган. Овчиликнинг инсонлар тирикчилигида аҳамияти ошган. Бу эса ов услубларини ва қуролларини такомиллаштиришни тақоза этган. Улар тўда - тўда бўлиб юриб, олов билан ҳайвонларни ё жарликка, ё ғор ичига

⁷Кабиров Ж., Сағдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. Тошкент: Ўқитувчи. 1990. 36 б.

хайдаб тутганлар. Тошни қайта ишлаш техникаси такомиллашган. Ихчам қуроллар ясай бошлаганлар. Бунда янги усул ёрма техникадан фойдаланганлар. Бунда қурол ясаладиган чакмоқтошнинг бош томони уриб, текислаб майдонча ҳосил қилиниб, шу майдонча орқали тошнинг майда парақалари ажратиб олинган.⁸ Тошдан барча парақалар олингач, учириб бўмайдиган ўзак қолган. Бу ўзак нуклеус деб аталган. Мустье даври учун дисксимон нуклеуслар ва уч бурчакли тош парақалари характерли бўлган. Тош парақалар ёғоч йўниш, тери ишлаш, қурол ва кийим тайёрлашда қулай ҳисобланган. Найзасимон тош қуролдан асосан эркаклар ёғоч қирқич, йўниш, ҳайвон ўлдиришда фойдаланганлар. Тош қирқичлардан эса аёллар тери шилиш, ёпинчиқлар тайёрлашда ишлатишган. Тошдан ўроқранда ясашган, ундан дарахт пўстини шилиш ва рандалаш қуроли сифатида фойдаланишган. Ўроқ ранда - чакмоқтош пластинкасидан иборат бўлиб, тиғи кенг ёйсимон қилиб ўйиб ишланган. Ўрта тош даври одамлари қумтош ёки оҳақтошдан шарлар ясаб, ҳайвонларни овлашда фойдаланганлар. Уларни узун тасма учига жуфт қилиб боғлаб, ҳайвонларни оёғидан илинтирганлар. Ўрта палеолит даври одамлари ҳаётида олов муҳим ўрин эгаллаган. Улар ҳайвон гўштини гулханда пишириб, истеъмол қилганлар, бу уларнинг жисмоний ва ақлий ривожланишида муҳим рол ўйнаган⁹.

Шунингдек, олов улами совуқдан ва йиртқич ҳайвонлардан ҳимоя қилган. Шу сабаб оловни сақлаш масаласи кўндаланг бўлган. Инсоният оловдан фойдаланишни ўрганганидан буён табиий оловдан олиб келган, лекин ўрта палеолит даврида сунъий олов чиқаришни ўрганиб олганлар. Улар ёғочни бир-бирига ишқалаш . натижасида олов чиқарганлар. Бу ниҳоятда кўп меҳнат талаб қилган. Ёғочни ёғочга узоқ вақт қаттиқ ишқалагандан сўнг майда - майда қипиқ ҳосил бўлган, у қизиб тутай бошлаган, пуфлаб аланга олдирилган. Ўрта палеолит даври ёдгорликларида кўплаб гулхан қолдиқлари топилган. Одамлар ўтин билан биргаликда ҳайвон

⁸ Аскарлов А.А. Энг қадимги шаҳар. Т 2001. - 26 б

⁹ Ўзбекистон тарихи. А.Сағдуллаев. Б.Эшов таҳрири остида. – Т. Университет, .1997.- 30 б

суякларини ҳам ёққанлар.

Ўрта палеолит даврида неандертал типдаги одам яшаган. Бу давр одами дастлаб Германиянинг Неандертал водийсидан топилгани учун ҳам шу номни олган. У илк палеолит одамидан анча фарқ қилган. Унинг бўйи паст пешонаси тор ва нишаб, қош устидаги суяклари қалин, ёноқ суяклари чиқиб кетган, ияги ниҳоятда кичкина, тиззалари сал букилган, 2 озик тиши бўртиб чиққан, қўл ойоғи йўғон бўлган. Бош миясининг ҳажми 1200- 1400 см ни ташкил этган. Худди шундай типдаги одам 1938 йили А.П.Окладников томонидан Тешиктош ғоридан топилган¹⁰.

Ўрта палеолит даври ёдгорлиги Ўзбекистонда дастлаб 1938 йилда Тешиктошда топилган. Ҳозирги кунда эса Ўрта Осиё ҳудуди бўйича уларнинг сони 300 дан ортган. Улардан 50 дан ортиқ макон кенг ўрганилган. Лекин ҳозиргача Тешиктош макони ўзининг қадимийлиги ва археологик материалларга бойлиги билан ажралиб туради.

Мустье босқичи тош даврининг бошқа даврларига нисбатан кенг ўрганилган. Бу даврга оид маконларнинг тадқиқ қилиниши ўрта палеолит даври хўжалик маданий ҳаётининг барча томонларини ёритди. Бу давр Ў.Исломов, К.Краҳмал, А.Окладников, В.Ранов, М.Қосимов Р.Сулаймонов, Т.Мирсоатов, Н.Тошкенбоев, З.Абрамова ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган¹¹.

Ўзбекистонда кейинги даврларда мустье даврига оид кўплаб маконлар топиб тадқиқ қилинган. Фақатгина Тошкент воҳасининг ўзидан 30дан ортиқ ёдгорлик топилган. Лекин мустье даврининг кўпгина топилмалари тупроқ қатламларида сочилма ҳолда топилган. Чунки адир ва текисликлардаги манзилгоҳнинг кейинги даврларда бузилиб кетиши натижасида маданий қатламлар йўқолган ёки табиат таъсирида ювилиб кетган. Моддий буюмлар эса тупроқ қатлами ташқарисида топилган ва археологлар томонидан қайд

¹⁰ Гремяцкий М.Д. Череп ребенка неандерталца из грота Тешикташ. М.: Наука 1981. – стр. 25

¹¹ Исломов Ў.И., Крахмаль К.А. Полезология и следы древнейшего человека в Центральной Азии. Тошкент: Фан 1995.

қилинган. Мустье даври ёдгорликларининг тўлиқ маданий қатламлари кўпроқ ғор-маконларда сақланиб қолган. Улар Зарафшон воҳаси ва Қизилқум худудларидан ҳам кўплаб топиб тадқиқ қилинган. Бой сун тоғи мпинтақасидан Тешиктош ғор-макони, Амир Темур ғори, Тошкент воҳасидан Обирахмат, Хўжакент, Бўзсув, Кўлбулоқ маконлари, Фарғона водийсидан Жарқўтон, Бўрибулоқ, Томчисув манзилгоҳлари, Зарафшон воҳасидан Омонқўтон, Гўрдара, Қўтирбулоқ, Зирабулоқ, Такалисой ғор маконлари, шунингдек, Учтут-Ижонд ва Қопчиғой устахоналаридир.

Тешиктош ғор-макони Сурхондарё вилояти, Бойсун туманидаги Бойсун тоғининг жанубий ён бағридаги Завталашган дарасида жойлашган. Ғор 1938-1939 йилларда А.П.Окладников томонидан текширилган. 5 та маданий қатламдан тошдан ясалган меҳнат қуроллари, учринди тош қуроллар, турли шаклдаги нуклеуслар, ўткир учли тош найзалар, тош пичоқлар, паррақлар, сихча, қирғич, куракча, чоппер, чопқи ва ҳоказолар топилган. Тешиктошдан топилган меҳнат қуроиламинг аксарияти қирқувчи ва тарашловчи вазифалами бажарган. Бу эрдан яна фақат неандертал одамига хос дисксимон нуклеуслардан (ўзаклар) бир неча нусха топилган. Уларнинг диаметри 10-15смни ташкил этган. Учринди тошлардан териларга ишлов бериш, ёғочлами кесиш, рандалаш каби ишларда фойдаланганлар. Бундай меҳнат қуроллар энг кўп Тешиктошдан топилган.

Тешиктош ғорининг энг қимматли топилмаси одам суяги қолдиқларининг топилишидир. У энг пастки маданий қатламдан топилган. У чалқанчасига ётқизилиб, устига қизил охра сепилган ҳолда кўмилган. Қабри атрофида арҳар шоҳлари терилган. Тадқиқотчилар фикрича, бу диний эътиқод билан боғлиқ.

1938 йилда антрополог Г.Герасимов, уни ўрганиб, 9 ёшли неандертал бола деб хулоса берган. 1970 йилларда бу одамни антрополог А.Алексеев ҳам ўрганган. Неандертал одамнинг 2003-2004 йилларда қилинган махсус тахлили, унинг илк хомо сапинес (хомо сапиенс) одами эканлигини кўрсатди.

Ғордан гулхан излари, унинг атрофида тоғ эчкиси, буг у, ёввойи от,

айиқ, сиртлон (гиена), леопард, барс, куён, кемирувчилар ва паррандаларнинг суяк қолдиқлари топилган. Тешиктошликлаи овчилик билан бирга термачилик билан шуғулланишган.

Обираҳмат ғор макони Тошкент шаҳридан 100 км шимоли шарқда, Ғарбий Тянь—Шаннинг Чотқол тизмасидаги Палтов сойининг юқори соҳилида жойлашган. Ғор ёйсимон шаклда бўлиб, ени 20 метрдан ортиқроқ, жанубга қараган, сатҳи кенг, қуруқ ва ёруғ. Ғор—макон 1966—1972 йилларда Р.Х. Сулаймонов томонидан ўрганилган. У мустьенинг ривожланган ва сўнгги босқичларига оид.

Унда 10 м қалинликдаги 21 та маданий қатлам аниқланган. Улардан 30 мингдан ортиқ оҳақтошли чакмоқтошдан ясалган турли меҳнат қуроллари—нуклеуслар, парақалар, ўткир учли сихчалар, қирғичлар, пичоқлар ва қурракчалар топилган. Улар ўзига хос призма шаклидаги ёрма техника, қисман леваллуа типидagi техника асосида ишланган. Ғордан ҳайвон суягидан ишланган бигизлар ҳам топилган. Шунингдек, гулхан излари, кул, кўмир, буғу, тоғ эчкиси, тоғ ингиз, жайрон, ғор шери, арҳар ва бошқа ҳайвонларнинг суяклари ҳам топилган. Бу эрда одамлар 120—40 минг йил муқаддам истиқомат қилганлиги аниқланган. Улар овчилик ва термачилик билан шугулланганлар. Кейинги йилларда Обираҳмат маконини қайта ўрганиш натижасида у эрдан сўнгги палеолит даври меҳнат қуроларини ва 16- қатламдан 70 минг йил олдин яшаган одам суяклари (6 та тиш ва калла суягининг бўлаклари) топилди. Мазкур топилма бўйича 2004 йилда ҳалқаро симпозиум ўтказилди. Унда Обираҳмат одамида неандертал ва хомо сапинес (замонавий одам) одамидаги хусусиятлар омукталашганлиги ва унинг оламшумул аҳамияти қайд этилди.

Обираҳмат маконидаги меҳнат қуроллари ўрта палеолитдан сўнгги палеолитга ўтиш даврига мансубдир. Бундай хусусиятга хос маконлар Европа, Яқин Шарқ, Олтой ёдгорликларидан ҳам топилган. Тадқиқотлар натижасида олимлар, Обираҳмат одамларининг ўрта палеолитдан узок тадрижий ривожланиш орқали юқори палеолит даврига ўтишган деган

хулосагакелишди.

Хўжакент манзилгоҳи Тошкент воҳасидаги мустъе даврига оид ғор туридаги ёдгорликларидан бири бўлиб, Тошкент шаҳридан 80 км шимолий—шарқда Хўжакент қишлоғи яқинида, Чирчиқ даяёсининг чап соҳилидаги қоятошлар остида жойлашган. Ғор шимоли-ғарбга қараган, баландлиги 2,5 м, кенглиги 6 м, чуқурлиги 4м. Маконда 1958- 1959 йилларда А.П.Окладников ва Х.Насриддиновлар тадқиқот ишларини олиб борганлар. Унинг маданий қатлами ғорнинг айрим жойларидагина сақланиб қолган. Тадқиқот жараёнида макондан 524 та тош қуроллар топилган. Шулардан парақалар 88 та, нуклеуслар 49 та, қолганлари тош учирмалари ва синиқларидир. Топилган қуроллар леваллуа-мустъе мада- ниятига хос бўлиб, Обираҳмат ва Тешиктош маконларидаги меҳнат қуролларига ўхшашдир.

Кўлбулоқ маконининг 4—8 қатламларигина мустъе даврига оиддир. Маданий қатламлардан 8300 дан ортиқ тош қуроллари: ҳар хил шаклдаги нуклеуслар, синиқ учриндилар, қирғичлар, кўл чўқморлари ва бошқалар топилган. Қўлбулоқдан топилган меҳнат қуроллари сон ва сифат жиҳатдан Тошкент воҳаси-нинг бошқа жойларидан топилган маконлардаги меҳнат қуроллардан фарқ қилади. Фақат тишли қирғичлар Бўзсувдаги мустъе даври қурол-ларига ўхшаш ҳисобланади.

Кўлбулоқ маданий қатламларидан тоғ эчкиси, айиқ, арҳар ва бошқа ҳайвонларнинг суяк парчалари, кул ва гулхан қолдиқларитопилган.

Тошкент воҳасидан Зоғарик, Бўзсув, Кўҳисим мазилгоҳлари ва Қорақамиш топилмалари, жами 30 дан ортиқ макон қайд қилинган. Бу айниқса Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан кенг археологик қидириш ишлари бажарилди. Бу эрларда археологик тадқиқот ишлари ҳозирда ҳам давом этмоқда.

Мустъе даври ёдгорликлари Фарғона водийсида ҳам кенг тарқалган. Улами тадқиқ қилишда А.П.Окладников, П.Т.Конопля, М.Р.Қосимов, ОМ.Исломов, В.А.Ранов, Ю. А.Заднепровский ламинг хизматлари каттадир.

1954 йилда П.Т.Конопля Шарқий Фарғонада биринчи марта палеолит

қурулларини топди. Шу йили А.П.Окладников Ғарбий Фарғонада тадқиқот ишларини олиб бориб Қайроққум манзилгоҳларини аниқлади ва тадқиқот ишларини 1961 йиллагача давом қилдирди. Олим Қайроққум даласининг 31 пунктидан тош қурулларини топди. Айниқса, Булоқчап ва Шўркўл пунктлари топилмалари диққатга сазовордир. Бу жойлардан кўплаб тош ўзаклар, сихчалар, тош синиқлари топилди. Топилмалар шуни кўрсатдики, неандертал одамлар Сирдарёнинг қадимги ирмоқлар бўйлаб, бир неча жойларда ўз манзилгоҳларини қурганлар ва овчилик, термачилик билан шуғулланганлар.

Жарқўтон макони Фарғона водийсининг шарқий туманида топилган. Шаҳристонсой дарёсининг чап қирғоғида жойлашган. Манзилгоҳ 1961- 1963 йилларда В.А.Ранов томонидан ўрганилган. Ёдгорликдан 670 та тош буюм йиғиб олинган. Шулардан 25 таси нуклеуслар, 25 таси меҳнат қуруллари болган. Қуруллар ичида тош сихча, найза тигМари, пичоқсимон тош қуруллар мавжуд. Нуклеусларга ишлов бериш ва қурул яшаш услуби Хўжакент маконидагига ўхшайди. Тош қуруллар яшаш маданияти леваллуа-мустье даврига оиддир¹².

Фарғона водийсидан М.Р.Қосимов, П.Т.Конопля мустье даврига оид бир неча манзилгоҳлар топганлар. Уларнинг кўпчилигининг маданий қатламлари сақланиб қолмаган, чунки улар адир ва сойлар бўйларидаги овчиларнинг мавсумий қароргоҳлари бўлган. У эрлардан топилган тош буюмлар леваллуа-мустье даврига оид бўлган¹³.

Ўзбекистон ҳудудида ўрта палеолит даврини ўрганишда Зарафшон воҳаси алоҳида ўринни эгаллайди, чунки бу ҳудуд археологлар томонидан бир неча маконлар топиб, кенг ўрганилган. Бу ҳудудда Самарқанд Давлат университетининг археологлари, ЎЗФА Археология институти ходимлари тадқиқот ишларини олиб борганлар. Омонқўтон, Зирабулоқ, Гўрдара, Такалисой каби маконлар ўрта палеолит даврини ўрганиш учун олимларга муҳим манбалар берди.

¹² Аскарлов А.А Абдуллаев Б. Джаркутан. – Т 1983 – 33 б.

¹³ Ўзбекистон тарихи (1-қисм). Т. “Университет” 1997 – 75 б.

Омонқўтон ғор макони - Самарқанд вилояти Ургут туманининг Омонқўтон қишлоғи яқинида, Самарқанддан 43-44 км жанубда жойлашган. Макон 1947 йилда Д.Н.Лев раҳбарлигидаги СамДУ экспедицияси томонидан топилди ва 1957 йилларгача тадқиқот ишлари олиб бонлди. Тадқиқотлар жараёнида қалинлиги 25смдан 1,5 мгача бўлган маданий қатлам аниқланиб, ундан 220 та тош буюмлар топилди. Уларнинг асосий қисми чакмоқтошдан ясалган. 30 га яқин турли хилдаги нуклеуслар бўлиб, улар орасида гардишсимон ва призма шаклидаги нуклеуслар ҳам бор. Парақалар леваллуа-мустье техника маданиятини эслатади. Кертиш техникаси асосида тошнинг иккала томонига ҳам ишлов бериш натижасида қурол тиглари аррасимон ва тўлқинсимон бўлиб чиққан Бу эрда баргсимон парақалар ҳам бор. Бундай қурол намуналари Кўтирбулоқ ва Зирабулоқ маконларидан ҳам топилган.

Омонқўтон ғоридан ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари ҳам топилган Археолог Д.Н.Левнинг тадқиқотича, макон илк ва ривожланган мустье даврига оиддир.

Такалिसой ғори Омонқўтон ғорига яқин жойлашган мустье даври ёдгорҳидир. Уни 1952 йилда Д.Н.Лев тадқиқ қилган. Бу эрдан чакмоқтош синиқлари, учбурчаксимон узун парақа, кертиш усулида ишланган пичоқсимон қурол, гулхан излари ва ҳайвон суяклари топилган Тошнинг ишланиш техникаси асосида уни Д.Н.Лев мустьенинг сўнгги босқичига оид деб кўрсатади, чунки бу эрдан топилган парақалар ва отшеплар гардишсимон ва призмага ўхшаш нуклеуслардан ажратиб олинган. Бу маконда неандертал одамлар вақтинча яшаганлар.

Такалисой маконидан топилган ашёлар Кўтирбулоқ маконидан топилган ашёларга ўхшаш бўлиб, бу неандертал одамларнинг Зарафшон воҳасида мустье даври бошидан то охиригга босқичигача узлуксиз яшаганларидан дарак беради.

Кўтирбулоқ макони - очиқ жойдаги қароргоҳ ҳисобланади. Унинг топилиши неандертал одамнинг ғорлардан чиқиб, ўзига сунъий бошпана кура олиши ва дашт минтақаларида яшашга ўтганлигини кўрсатди. Макон

Самарқанд шаҳридан 100 км ғарбда, Қаттақўрғон тумани- даги Чархин қишлоғи яқинидаги Зирабулоқ тоғининг шимолий ён бағридаги Қўтирбулоқ деб номланган булоқ атрофидан топилган. Уни дастлаб Ю.Ф.Буряков раҳбарлигидаги Ўрта Зарафшон экспедитсияси томонидан 1971 йилда рўйхатга олинган. Кейинчалик уни Н.Тошкентбоев ўрганган. Бу эрдан 5 маданий қатлам топилган. Улардан 10 мингдан кўпроқ тош буюмлар топилган. Бу топилмалар асосан чашма ёнидан топилган. Шунингдек, тош қуроллари ва чиқиндилар ёнида гулхан излари ҳам топилган. Бу тош қурол яшашда ибтидоий одамларнинг оловдан фойдаланганлигини кўрсатади. Шунингдек, бу эрдан турли ов қуроллари палахмон тоши ва найзалар ҳам топилган.

Қўтирбулоқ маконидан топилган қуролларнинг ишланиш техникаси Обирахмат ва Тешиктош маданиятига ўхшайди. Шунини инобатга олиб, олимлар уни ҳам ривожланган мустъе даврига оид деб ҳисоблайдилар. Лекин бу маконда қурол яшашда кертиш техникасида қуролларнинг ўткирланиши бир текисда эмаслиги билан бошқа маданиятлардан фарқ қилади¹⁴.

Археологлар Зирабулоқ тоғ тизмасининг шимолий этакларидан ва Зарафшон даиёсининг ўнг, қирғоқларидан ибтидоий кишиларнинг бир неча қароргоҳларини ҳам рўйхатга олдилар. Буларнинг маданияти ҳам Қўтирбулоқ маданиятига ўхшаш бўлиб, уларнинг кўпчилигида маданий қатлам яхши сақланмаган. Улар орасида Зирабулоқ макони алоҳида ўринни эгаллайди.

Зирабулоқ макони - Қўтирбулоқдан 1 км шарқда жойлашган. У ҳам 1971 йилда рўйхатга олинди, тадқиқот ишлари 1978 йилларгача археолог М.Жўрақулов томонидан олиб борилди. Бу эрдан Қўтирбулоқ маконидан топилган тош буюмларга ўхшаш буюмлар топилди. Бундан археологлар бири-бирига яқин қўшни бўлган ибтидоий одамлар яшаган деган хулосага келдилар. Лекин бу эрдан сўнгги мустъе даврига оид тош қуроллари ҳам топилган.

¹⁴ Ўзбекистон тарихи (1-қисм). Т. “Университет” 1997. – 64 б.

Гўрдара ғор макони¹⁵ - Самарқанд вилояти Ургут тумани Зарафшон тоғ тизмасининг шимолий ён бағрида Гўрдара сойи яқинида топилган. Уни 1966 йилда А.Аскарлов раҳбарлигидаги археологик отряд рўйхатга олган ва кейинчалик Н.Тошкенбоев томонидан тадқиқ қилинган. Бу эрдан гардиш шаклидаги тош синиқлари ва қирғич топилган. Унинг тош буюмлари Кўтирбулоқ маконининг юқори қатламидан чиққан тош буюмлари ўхшайди. Лекин бу эрда ҳали тадқиқот ишлари охирига этказилмаган.

Ибтидоий одамлар ҳаётида тош меҳнат қуроллари муҳим ўринни эгаллаган. Шу сабабли меҳнат қуроли учун яроқли тош ҳом- ашёларини топиш улар учун жуда муҳим бўлган. Илк палеолит даврида одамлар қайроқ тошлардан фойдаланишган бўлса, унинг сўнгги босқичларга келиб чакмоқтошнинг афзалликларини билиб олишган. Чакмоқтош табиатда кенг тарқалгани билан бирга унга ишлов бериш ва ўткир қирра ҳосил қилиш осон бўлган. Ибтидоий одамлар ўрта палеолит даврига келганда чакмоқтош конларини топиб, у эрларда тош устахоналарини ташкил қилганлар. Шунингдек, ибтидоий одамлар очик хавода ётган чакмоқтошдан кўра, узок йиллар давомида нам тортган чакмоқтошга ишлов бериш осонлигини ҳам пайқаб, чакмоқтош конларини тошган интилганлар. Бундай устахоналар нафақат Ўзбекистон ҳудудида, балки Кавказ, Белоруссия, Бошқирдстон, Волга бўйлари, Украина ва Сибирдан ҳам топилган. Бундай тош устахоналарини тадқиқ қилиш олимларга ўша давр моддий буюмларини тадқиқ қилишнигина эмас, балки тош конлар ибтидоий уруғ жамоалари ўртасида маданий ва иқтисодий алоқа воситаси сифатида ҳам катта ўрин эгаллаганини аниқлаш имконини берди. Ибтидоий одамлар тош ҳом-ашёсини ўзаро иқтисодий айирбошлашда ва қурол ясаш тажрибаларини алмашинишда фойдаланганлар.

Бу ўринда мустъе даврига оид Қопчиғой, Қоратов, Оҳангарон устахоналари қизиқарлидир. Уларни 1951-1965 йилларда Археология институтининг Я.Ғ.Ғуломов раҳбарлигидаги археологик отряди томонидан

¹⁵ Аскарлов А.А. Энг қадимги шаҳар. Т 2001. - 10 б

ўрганилган.

Қопчиғай устахонаси - Фарғона шаҳридан 40 км жанубда, Олой тоғининг шимолий ёнбағридаги Данги дарасининг ичкари қисмидаги Қопчиғой деган жойдан топилган. У очик жойдаги чақмоқтош кони ҳисобланади. У эрдан топилган тош қуроллар ва чиқиндиларга асосланиб тадқиқотчилар, уни мустье давридан бошлаб одамлар ўзлаштирганлигини таъкидлайдилар. Бу устахонада А.П.Окладников, М.Р.Қосимов ҳам тадқиқот ишларини олиб боришган.

Палеолит даври оид тош устахоналари Навоий вилояти Навоий туманида Учтут, Ижонд, Вауш ва Зарафшоннинг қадимги ирмоқлари, Оҳангарон даиёси бўйларида ҳам мавжудлиги қайд қилинган¹⁶.

Учтут ёдгорлиги Навоий вилояти Навоий тумани Олчин қишлоғи ёнидаги Қоратоғнинг жанубий қиялигида жойлашган.

Ёдгорлик 1958 йили археолог Х.Муҳаммедов томонидан топилган. Кейинги йилларда уни Т.Мирсоатов кенг кўламда ўрганди.

Учтут илк ва ўрта палеолит даврига оид очик манзилгоҳ ва чақмоқтош хом ашёси қазиб олинди деган жой бўлган. У эрдан мустье даврига оид тош қуроллари, кўпол чўқморлар, нуклеуслар, учринди ва бошқа қуроллар топилган.

Тош устахоналари Зарафшоннинг қадимги ирмоқлари, Оҳангарон дарёси бўйларида ҳам мавжудлиги қайд қилинган. Улар археолог Т.Мирсоатов томонидан ўрганилган. Чақмоқтош конлари ва устахоналарини кенг тадқиқ қилиш ибтидоий маданияти тарихни ўрганишда муҳим манба саналади.

Илмий адабиётларда сўнгги палеолит даври юқори палеолит даври тушунчаси билан ҳам ишлатилади. Бу давр мил.авв. 40—12 минг йилликларни ўз ичига олади. Кейинги йилларда Ўзбекистон археологиясининг ютуқларига кўра, бу давр мил.авв. 100-12 минг йилликлар билан

¹⁶ Ртвеладзе Э.В. Новые древнебактрийские памятники на юге Узбекистана.// Бактрийские древности. – 1976 35 стр.

белгиланмоқда.

Сўнги палеолит даврида ибтидоий одамлар қон-қариндошлик алоқалари асосида бирлашган жамоа бўлиб яшай бошлаганлар, яъни ибтидоий уруғчилик жамоаси даври бошланган. Уруғни бошқарув аёллар қўлида болган, чунки улар уй юмуши билан банд бўлганликлари сабабли оилани бошқариш зиммасида бўлган, эркаклар эса, доимо овда бўлганлар. Бундай давр тарихда матриархат, яъни оналар ҳукмронлиги даври деб аталади.

Сўнги палеолит даврида ҳозирги замон одами қиёфасига ўхшаш-кроманон одами яшаган. Кроманьон одами суяк қолдиқлари дастлаб Франциянинг Кроманьон маконидан топилгани учун шундай ном олган. Олимлар бу давр одамини ҳомо сапиенс-акл-идрокли одам деб ҳам атайдилар.

Сўнги палеолит даври ёдгорликлари Ўзбекистон ҳудудида ўрта палеолитга нисбатан кам топилган. Бунга асосий сабаб, музликлар эрий бошлагач, одамлар водий ва дарё бўйларида чайла, ертўла ва ярим ертўлаларда яшай бошлаганлар. Чайла ва ярим эртўлалар вақт ўтиши билан шамол, ёмғир, инсонлар томонидан эрларнинг ўзлаштирилиши натижасида йўқ бўлиб кетган. Эртўлаларни топиш эса, қийин. Шу сабабли сўнги палеолит даври маконларининг кўпчилиги тасодифий равишда топилган¹⁷.

Сўнги палеолит даври одамлари хўжалигининг асосини овчилик ташкил этган. Асосан буғу, ёввойи от, сиртлон, арҳар, кулон, туя каби йирик ҳайвонлар овланган. Дарахт мевалари, дон ва илдиз мевали ўсимликларни ҳам овқат сифатида ишлатганлар. Балиқчиликнинг ҳам дастлабки куртаклари пайдо бўлган. ¹⁸Тош қуроллари ишлаш услуби ўзгарган. Ёрма техника усули илк босқичда кенг қўмланилган бўлса, кейинги босқичларда ретушлаш усули ихтиёс қилинган. Бу қурооллар турини кўпайтирибгина қолмай, уларнинг

¹⁷ Гремяцкий М.Д. Череп ребенка неондерталца из грота Тешикташ. М.: Наука 1981. - 77 стр.

¹⁸ Исломов Ў.И., Крахмаль К.А. Полезкология и следы древнейшего человека в Центральной Азии. Тошкент: Фан 1995. 64 стр.

майда, яъни ихчамлаштиришга олиб келган. Ретушлаш деганда чакмоқтош қуролни суякдан ясалган ингичка ва узун таёқ билан бир неча минг марта уриб юпқа тош парақалар учириб, керакли шаклга келтириш тушунилади. Бу усул жуда мураккаб бўлиб, салгина эҳтиётсизлик қилинса, қурол синиб кетган. Ретушланган нуклеуслар тўғри пичоқсимон шаклга кирган ва юпқалашган. Тош пичоқлар пайдо бўлган. Бу даврда энг муҳим меҳнат қуроллари тош кесгич ва тош қирғич бўлган. Тош кесгич қаттиқ материалларни ишлашда фойдаланилган. Тош қирғич узунчоқ парракча бўлиб, бир учи ёйсимон тиғ бўлган, мустье давридаги қирғичдан анча фарқ қилган, ундан юмшоқ материалларни ишлашда фойдаланганлар. Асосий ов қуроли чакмоқтошдан ясалган найза бўлган.

Аждодларимиз ёғоч ва ҳайвон суяклари дан ҳам кўплаб қуроллар ясаганлар. Суякдан гарпунлар, найзалар, найза отқичлар, шунингдек, терини тикиш учун игналар ва бигизлар ясаган. Суякдан қуроллар яшаш юқори палеолит даврининг сўнги босқичларида кўпайган. Бу босқич жаҳон археологиясида Мадлен босқичи деб (20 минг—13 минг йил олдин) ажратилади.

Сўнги палеолит даврида қариндош уруғчилик муносабатларининг тартибга солиниши натижасида кишиларнинг жисмоний ва ақлий ривожланишида ўзгаришлар юз берди. Инсонларнинг ташқи ко ринишида ўзгариш юз бериши билан бирга уларнинг табиий — географик шароитга мослашиши натижасида ирқлар вужудга келди - европоид, монголоид, негроид. Европоид ирқи фанда кроманьон одами номини олган. Ўзбекистоннинг ҳам Самарқанд маконидан кроманон одамнинг қолдиқлари топилган.¹⁹

Сўнги палеолит даврида юз берган муҳим ўзгаришлардан яна бири, бу санъатнинг кашф этилишидир. Санъатнинг вужудга келиши ўша давр одамларининг диний қарашлари билан боғлиқ бўлсада, улар қолдирган она ҳайкалчалари ва қоятош суратлари ўша давр ижтимоий ҳаёти ҳақида бизга

¹⁹ Сағдуллаев А.С ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Т. 2000. - 43 б.

кўп маълумотлар беради. Ўрта Осиёнинг кўпчилик жойидан қоятош суратлари топилган.

Сўнгги палеолит даврига оид ёдгорликлар кам топилганига қарамасдан, улардаги маданий қатламларнинг яхши сақланиши юқори палеолит даври тараққиётининг ўзига хос томонларини очишга имкон берди. Ҳозирги кунда Орта Осиёда юқори палеолит даврига оид 30 ортиқ ёдгорлик топиб ўрганилган бўлса, шулардан 10 таси Ўзбекистондан топилган. Улардан Зарафшон воҳасида топилган Самарқанд, Сиёбча, Хўжамазгил маконлари яхши ўрганилган. Кўлбулок, Бўзсув, Такалिसой, Туябўғиз маконларидан ҳам юқори палеолит даврлари топилган.

Самарқанд макони - Сўнгги палеолит даврининг энг ноёб ёдгорлиги ҳисобланади. У 1939 йилда геолог Н.Г.Ҳарламов томонидан Самарқанд шаҳридаги қадимги Сиёбча сойи ёқасидан топилди. Маконда И.Д.Лев ва И.Жўрақуловлар 1969 йилдан 1972 йилга қадар тадқиқот ишларини олиб бордилар. 2002 йилда СамДУ археология кафедраси илмий ходимлари томонидан тадқиқот ишлари яна давом этган. Унинг маданий қатламидан 7,5 мингга яқин тош қуроллар топилган. Уларнинг аксарияти чақмоқтош, халседон, диорит амфиболит, роговик каби тош жинсларидан ясалган. Макондан хилма хил қуроллар топилган; қирғичлар, кескичлар, сихлар, пичоқчалар дисксимон нуклеуслар, учриндилар, ушатгичлар, болталар, юпқа парақалар ва бошқалар. Булар орасида ҳайвон териларини ишлаш учун мўлжалланган қирғичлар, тешгичлар, суякдан ясалган меҳнат қуроллар диққатга сазовордир. Тош болталар ва йўнғичлар ўзига хос равишда ишланган.

Г.Ф.Коробкова макондан топилган тош қуролларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлади. Жумладан, ўзақлардан ажратиб олинган тош парақалардан турли қуроллар сифатида фойдаланилган. Тош қуролларга дағал кертиш усули билан ишлов берилган. Тош ва суякдан санчқилар ясаганлар. Бу одамларнинг балиқчилик билан шуғулланганликларини кўрсатади. Маконнинг маданий қатламлиридан гулхан қолдиғи, кул, ҳайвон

суяклари, ўсимлик, чайла устунлари қолдиқлари топилган. У сой бўйида бўлиб, майдони 100 кв м тўғри тўртбурчак шаклида қурилган.

Самарқанд маконим Д.Н.Лев 30—35 минг йилликларга оидлигини аммо кейинги тадқиқотлар, унинг ёшини мил.авв. 20 минг йиллик билан белгилашни тўғри деб топмоқда.

Макондан кроманон қиёфасидаги одамларнинг суяк қолдиқлари топилди. Антропологлар уларнинг 25 ва 35 ёшли аёлларга тегишли эканлигини аниқладилар. Шунингдек, ёш боланинг озиқ тиши пастки жағ суяги ҳам топилган.

Самарқанд маконидан ибтидоий одам томонидан 5 та махсус белги чизилган ҳайвон қовурғаси қолдиғи, махсус тешикли денгиз чиганоғи топилган. Денгиз чиганоғи зеб—зийнат бўлиб, Ҳинд океани, Қизил денгиз ва Форс кўлтиғи ҳудудларида учрайди Чиганоқнинг топилиши Ўрта Осиё қабилалари билан Ҳинд океани соҳилларидаги қабилалар ўртасида алоқа бўлганлиги ва бу чиганоқлар Самарқанд ҳудудига махсулот айирбошлаш натижасида келиб қолганлигини кўрсатади. Макондан 20 га яқин аёллар тақинчоғи топилган. Умуман, Самарқанд макони юқори палеолит даврини ўрганишга оид қимматбаҳо маълумотлар беради.²⁰

Сиёбча қароргоҳи - Самарқанд шахрининг марказий қисмидан оқиб ўтадиган Сиёбча дарёсининг Чашмасиёб суви қуйилиши жойида жойлашган. Қароргоҳ 1969 йилда У.Олимов томонидан топилган. Тадқиқот ишларини эса, Н.Х.Тошкенбоев олиб борган. Қазилмаларнинг айримларида маданий қатлам яхши сақланмаган. Топилмалар орас тош ўзаклар, қирғичлар, тешувчи куруллар, паррақлардан ишланган куруллар асосий ўринни эгаллайди. Топилмалар Самарқанд маконига нисбатан қадимийроқдир.

Ҳўжамазгил қароргоҳи - Самарқанд шахндан 35 к г У шарқ томонда Туркистон тоғ тизмасининг ғарбий этакларида жойлашган Ҳўжамазгил деган жойдан топилган. Ёдгорликни 1969 йилда археологлар А Асқаров ва

²⁰ Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Т 1996. - 35 б

Н.Х.Тошкентбоевлар топиб, тадқиқ қилишган. Тадқиқот давомида макондан 200 дан ортиқ тош буюмлар йиғиб олинган. Топилмалар ичида гардишсимон тош ўзақлар, парақадан ясалган пичоқсимон қуроллар, кирғичлар, рандалар, тош синиқлари топилган. У эрда оҳра қолдиқлари ва гулхан излари ҳам топилган. Қароргоҳ топилмалари Самарқанд макони топилмаларига ўхшайди Иккала маконда ҳам қуролларни ишлаш услубида мустье даври услуби яхши сақланган.

Қўлбулоқ макони - қадимги тош даврига оид кўп қатламли ёдгорлик бўлиб, унинг юқори 1, 2, 3 қатламларидан сўнгги палеолит даврига оид материаллар топилган. У эрдан гулхан, кўмир қолдиқлари, тош буюмлардан - нуклеуслар, кирғичлар, сихчалар, тош пичоқлар тош синиқлари ва ҳайвон суяклари топилди. Макондан энг кўп миқдор нуклеуслар топилган, чунки ибтидоий одамлар нуклеусларни ажратиб олишнинг янги техникасини кашф этганлар. Илгаридагидек парракаларни тош болға билан эмас, балки тош пона билан ажратиб олганлар. Бу билан улар хоҳлаган шаклдаги парракларни тошдан ажратиб олиш имкониятига эга бўлганлар. Қўлбулоқдан топилган тош қуроллар ўзининг ишлаши жиҳатидан Самарқанд, Бўзсув ва Туябўғиз маконларидан топилган сўнгги тош даври қуролларига ўхшайди. Археолог М.Р.Қосимовнинг таъкидлашича, Тошкент воҳасида илмий аҳамияти жиҳатидан Қўлбулоққа тенг келадиган ёдгорлик топилганича йўқ.

2001-2002 йиллар мобайнида Қўлбулоқ маконида қайта тадқиқод ишлари олиб борилди ва сўнгги палеолит дарига оид ретушланган меҳнат қуроллари, турли шакллардаги нуклеуслар топилди.

Ер юзида музликларнинг чекиниши натижасида иқлим ўзгаради. Бу эса, ўз навбатида ибтидоий одамларнинг турмуш тарзида ўзгаришларга олиб келади. Олимлар бу давминг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, уни ўрта тош даври, яъни мезолит даври деб белгилаганлар.

«Мезолит» сўзи юнонча «мезос»-ўрта, «литос»—тош сўзларидан келиб чиққан бўлиб, милоддан аввалги 12 минг йилликдан 7 минг йилликгача давом этган.

Мезолит даврида иқлимнинг ўзгариши билан ҳайвонот дунёси ҳам ўзгаради. Палеолит давридаги йирик ҳайвонлар йўқолиб, улар ўмига тез чопар ва майда ҳайвонлар: архар, муфлон, тоғ эчкиси, буғу, жайрон, кулон, куён, арслон, йўлбарс, барс, қоплон ва бошқа ҳайвонлар пайдо бўлди. Улами илгаридадек овлаш ибтидоий одам учун мураккаблик туғдирди. Натижада ўқ-ёй ихтиро қилинди. Бу мезолит даврининг энг катта ютуғи эди. Ўқ ёйнинг кашф этилиши хўжаликда овнинг аҳамиятини оширди. Энди ибтидоий овчилар узоқдан туриб ўз ўлжасини нишонга олиш имкониятига эга бўлдилар ва озиқ-овқатга бўлган талабни қондира олдилар²¹.

Ўсимликлар дунёсида ҳам иссиқталаб ўсимликлар салмоғи ошди. Дарёларнинг серсув бўлиши балиқчиликнинг вужудга келишига ва дастлабки қайиқламнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу эса ибтидоий одамнинг турмуш тарзини ўзгартирди.

Ибтидоий овчилар ҳайвонлар (асосан буғулар) изидан юриб, янги-янги эрларни ўзлаштириб бордилар. Шу сабабли, мезолит даври одамлари кенг ҳудудларга тарқалганлар. Мезолит даврида Ўрта Осиёнинг деярли барча ҳудудлари яшаш учун қулай бўлган. Амударё билан Сирдарё оралиқларида мезолит даврига оид ёдгорликлар кўп учрайди.

Бу давр жамоасида диний тасаввурлар маълум бир шаклга кирди. Бу ҳақда мезолит даври мозорлари, қоятош расмлари дарак беради. Ўрта Осиёдаги мезолит даври ёдгорликларидан 3тасида - Қайла, Тутқаул, Мачай маконларида мозорлар топилган. Улар мезолит даврининг сўнги босқичига тааллуқли. Қайла ғорида 2 мозор ўрганилган. Скелетлар чалқанчасига ётқизирилиб, оёқлари бироз букилган, устига оҳра сепилган. Ёнларида денгиз чиғаноқларидан ясалган тақинчоқлар топилган. Бош суяги устига ҳам майда тош мунчоқлар тизиб чиқилган. Бошқа мозорларда ҳам шу ҳолат кузатилган. Булами барчаси нариги дунёга ишонишни билдиради²².

²¹ Кабиров Ж., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. Тошкент: Ўқитувчи. 1990. - 44 б

²² Исломов Ў.И., Крахмаль К.А. Полезекология и следы древнейшего человека в Центральной Азии. Тошкент: Фан 1995. – 53 стр.

Жаҳон археологиясида мезолит даври 2 босқичга: Азил ва Тарденуазга бўлинади. (3-жадвал) Улар Франциядан топилган маконлар номлари билан аталган. Азил даври тош қуролларининг асосий хусусиятларидан бири - микролит қуролларнинг ясашидир (юнонча микрос-кичик). Улар асосан ўқ учи вазифасини бажарган. Уларнинг кўпчилиги тол баргига ўхшаш бўлган маконларида микролит қуроллар жуда кўп учрайди. Улар жуда майда бўлиб, баъзилари 1 см га этар этмас бўлган, 2 см лилари эса кам учрайди. Микролитлар турли хил геометрик шаклда бўлган (учбурчак, трапеция, ромб). Уларнинг ишлатилиши ҳақида 2 хил фикр мавжуд: Таёқ учидаги ёриққа тикилган ва камон ўқи ясалган.

Суяк ёки ёғоч қуролларга тақаб ўткир тиғ ҳосил қилинган.

Ўрта Осиё мезолити индустриясини ўрганиш орқали олимлар улардаги ривожланиш жиҳатларини аниқладилар. Шу асосда уларни илк, ўрта ва сўнгги босқичга бўлдилар.

Илк мезолит босқичи ёдгорликларида микролит техникаси эндигина пайдо бўлган. Бундай ёдгорликларда геометрик шаклдаги (сегмент, трапеция, учбурчаксимон) тош буюмлар кам учрайди. Микропарақалар кам. Бу давр ёдгорликларида сўнгги палеолитга доир қирғиччалар, ўзаклар, парақалар кўп тарқалган.

Ўрта мезолит босқичида геометрик шаклдаги микролит қуролларнинг йирик ва қалинроқ турли типлари пайдо бўлади. Қирғиччаларнинг ҳар хил шаклдагилари вужудга келади. Бундай қуроллар кўпинча тош синиқларининг қирра томонларига ва парақаларнинг учқир томонларига тиғ чиқариш усули билан ясалган, уларнинг ҳажмлари анча кичиклаштирилиб, такомиллаштирилган. Ўзаклардан пичоқсимон учирма ажратиб олиш техникаси вужудга келади. Ўрта мезолит даври ёдгорликларининг яна бир хусусияти қайроқтошлардан ясалган қурол ва қирғичларнинг борлигидир.

Сўнгги мезолит даврида меҳнат қуролларининг кўпчилик турлари майдалашган. Қаламсимон митти ўзаклар сони кўпайган. Тош бигиз пайдо боиган. Иккала учли томонлари йўнилган шаклдаги парақалар ва

микрорақалар сони кўпаяди. Бу давр ёдгорликларида қуролларни яшаш техникаси мураккаблаша боради.

Бу босқичларга оид ёдгорликлар қуйидаги гуруҳларга ажратилган:

Илк мезолит босқичи милоддан аввалги ХИ-Х минг йилликларни ўз ичига олади. Кўшилиш маданиятида ўз аксини топган.

Ўрта мезолит босқичи милоддан аввалги ИХ-ВИИИ минг йилликлар бўлиб, Обишир маданиятида ўз аксини топган.

Сўнги мезолит босқичи милоддан аввалги ВИИ-ВИ минг йилликлар боғлиб, Мачай маданиятида ўз аксини топган.

Ўзбекистондаги мезолит даври ёдгорликларида призма, конус, пона шаклларидаги нуклеуслар топилган. Тош парақалари бир томонлама кертма тарзда ўткирилган. Қирғич қуроллари тош учриндилардан ва парчаларидан ишланган. Шунингдек, тоғли ҳудудларда нуклеуслар қайроқтошлардан болган.

Ўзбекистонда илк мезолит даврига оид манбалар ХХ аср бошларида топилган. Мезолит даврини системали ўрганишни А.П.Окладников бошлаб берган. Кейинчалик Катта ва Кичик Балхаш ҳудудларида кўп қатламли мезолит даврига оид ёдгорликлар, Устюртда, Марказий Фарғонада, Қизилқум, Помирда мезолит ёдгорликлари кўплаб топилган.

А.М.Манделштам, Х.Ю. Юсупов, Ю.А.Заднепровский, Исломов Фарғонада, э. Бижанов, В.Ягодин, А.Виноградов, Г.Ходжаниёзовлар Устюртда тадқиқот ишларини олиб бордилар. Лекин Ўзбекистон мезолити бошқа давларга нисбатан кам ўрганилган. Ў.Исломов шу кунга қадар Ўзбекистон ҳудудида ўрганилган ёдгорликларни учта - Фарғона, Тошкент ва Сурхандарё территориал хусусиятларга бўлди.

Кўшилиш макони Тошкентнинг ғарбида қадимги Бўзсув анҳорининг чап соҳилидан топилган. У эрдан нуклеуслар, майда парақачалар, қирғичлар топилган. Кўшилишнинг маданий қатлаמידан топилган мазкур қуроллар сўнги тош даври қуролларига нисбатан ўзининг анча ихчамлиги ва қурол турларининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Бу эрдан топилган

нуклеуслар ва қирғичлар Фарғонадаги Обишир И, Й, Аччикўл ва Мачайдан топилган нуклеуслар ва қирғичларга ўхшаб кетади. Лекин Қўшилишдаги қуроллар анча қадимий архаик хусусиятга эгадир. Қўшилишдан топилган қуролларда ўзига хослик ҳам бор, яъни бу эрда геометрик шаклда ясалган қуроллар учрамайди. Шунингдек, Қўшилишда бошқа маконларда боМган пичоқсимон парақалар топилган эмас. Қўшилиш қуролларининг баъзилари Яқин ва ЎртаШарқдаги Шанидавр, Палигавр, Гари-Камарбанддан топилган қуроллар- га ўхшаб кетади.

Фарғона водийсида ва унинг жанубидаги тоғли ҳудудларда мезолит даври маконлар анча кўп топилган. Шулар жумласига, Фарғона водийсининг жанубидаги Қатрон тоғидан топилган Обиширва Обишир В ғор-маконларини киритиш мумкин. Улар милoddан аввалги ИХ-ХИИИ минг йилликларга оиддир.

Обишир 1 ғор-макони Ҳайдаркон шаҳарчасидан 4-5 км шарқда жойлашган. У эрнинг маданий қатламларидан микролитлар, бигизлар, қирғичлар, пичоқ қадамалари, нуклеуслар топилган. Улар бошқа жойлардан топилган мезолит даври қуролларига ўхшайди.

Обишир 2 ғор — макони эса Обишир 1 дан 200 метрча ғарбда жойлашган. У эрда 3 та маданий қатлам аниқланган. У эрдан топилган меҳнат қуролларининг ишланиш техникаси Обишир 1 га ўхшайди. У эрнинг қуйи маданий қатламларидан оқ-қора ва кул ранг чакмоқ- тошдан ясалган микролитлар - парақалар, пичоқ қадамалари, қирғичлар, кескичлар, тешгичлар, ўроқ-рандалар ва турли шаклдаги нуклеуслар топилган. Шунингдек, бу эрдан ёввойи ҳайвонларнинг парчаланган ва синдирилган суяклари ҳам топилган.

Кейинги йилларда Марказий, Жанубий ва Шарқий Фарғона эрларидан мезолит даври маконлари кўплаб топилган. Марказий Фарғонадан бу даврига оид лООга яқин жойдан маконлар топилган. Улардан Иттак қалъа, Шўркўл, Аччикў1, Янгиқадам, Бекобод, Замбор, Босқум- лар диққатга сазовордир. У эрлардан ҳар хил шаклда ретушланган ва ретушланмаган нуклеуслар,

кирғичлар, парақалар, майда геометрик куроллар топилган. Бу эрда кўпроқ майда нуклеуслар учраб, йирик нуклеуслар деярли учрамайди. Дарё тошларидан олинган учриндилар ҳам бор. Бу эрдан топилган меҳнат куроллари қора, яшил, жигарранг чакмоқтош, сланес ва бошқа тошлардан ясалган. Бу ёдгорликлар очик жойдаги маконлар бўлиб, маданий қатламлар йўқ. Тадқиқотчилар фикрича, Марказий Фарғонадаги илк ва сўнгги мезолит даври маконлар ўша вақтнинг ўзидаёқ ташлаб кетилгач, бузила бошлаган. Ҳозирда бу жойлар кенг қум барханлари остида қолган. Лекин мезолит ва неолит даврларида бу эрларда кўллар бўлган. Ибтидоий одамлар шу кўл соҳилларида яшаганлар. Термачилик, овчилик, балиқчилик билан шуғулланганлар.

Марказий Фарғонада фақат тош даври ёдгорликлар мавжуд. Бошқа даврларга оид ёдгорликлар ва маданий қатламлар юқ.

Тадқиқотчилар Марказий Фарғонадаги мезолит даври ёдгорликларини гуруҳини аниқлаб, унинг ривожланишидаги илк ва сўнгги босқичини аниқладилар. Илк мезолит даври милоддан аввалги IX-VIII йилликларга оид боҒиб, унга Иттак қалъа 2, Аччиққў 1,7, Янги қадам 1,2 ва Тойпоқ 1 маконлари киради.

Марказий Фарғонанинг сўнгги мезолит даври милоддан аввалги VIII-VII минг йилликларга мансуб. Унга Аччиққўл, Бекобод 3,4, ШоҒоқ 1,1,

Мадёр 11, Замбар 2, Тойпоқ 3,5,7 ва бошқа жой маконларни киритиш мумкин.

Марказий Фарғонадаги яшаган мезолит даври қабилалар хо жалик ҳаётида овчилик ва термачилик билан бир қаторда балиқчилик ҳам муҳим рол ўйнаган. Бунга уларнинг кўллар ёқасида истиқомат қилганликлари имконият яратган.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, мезолит даврида Жанубий ва Марказий Фарғона ҳудудларининг қулай географик шароити мазкур жойларда ибтидоий кишиларнинг кенг тарқалиб яшашлан учун имконият яратган.

Мачай ғор макони мезолитнинг сўнгги босқичига оид ёдгорлик бўлиб, у Ҳисор тизмасининг Кетмончопти тоғининг жанубидан Мачай дарёсининг ўнг соҳилидан топилган.

Ғор-макон кўп қатламли бўлиб, у эрдан кўп миқдорда тош қуроллари ва оз миқдорда суякдан ясалган меҳнат қуроллаар ҳам топилган. Суяк қуроллар 15 нусхада бўлиб, улар бигиз, игна, сўзан ва бошқалардир. Ғорнинг маданий қатламларидан жами 870та тошдан ясалган меҳнат қуроллари топилган. Улар ҳар хил шаклдаги нуклеуслар, ретушланган ва ретушланмаган парақа ва парақачалар, тош пичоқлар, аррасимон қуроллар, кескич, ушатгич тошлар, найза ва оқ учлари, трапесиялар, сигментлар ва бошқа хил қуроллар топилган. Мачай ғоридан топилган қуролларнинг ишланиш техникаси, катта кичиклиги Тожикистоннинг Вахш дарёси ҳавзасидаги, Марказий Фарғона ва Тошкент воҳасидаги мезолит қуролларига анча ўхшаб кетади. Лекин

уларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳам бор.

Мачай ғорининг маданий қатламларидан антропологик материаллар - одам бош суяклари, тиши, жағи ва бошқа аъзоларининг суяк қолдиқлари топилган. Ҳалигача Ўрта Осиёнинг мезолит даврига оид ёдгорликларидан бундай топилмалар топилгани йўқ. Шу жиҳатдан Мачайдан топилган одам суяклари жуда катта амалий ва илмий аҳамиятга эгадир. Тадқиқотлар натижасида калла суяklarининг бири аёл кишига, бири эркак кишига ва учинчиси ёш болага мансуб эканлиги аниқланди. Антропологик материаллами чуқур ўрганиш асосида, уларнинг қайси ирққа мансуб эканлиги аниқланди. Уларнинг ҳаммаси европоид ирқига мансуб деб топилди. Бу материаллар Ўзбекистоннинг энг қадимги аҳолисини, унинг ташқи қиёфаларини аниқлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ғорнинг маданий қатламларини қозиш жараёнида антропологик материаллар билан бир қаторда хилма-хил ҳайвонларнинг суяклари — палеонтологик материаллар ҳам топилди. Палеозоолог Б. Ботиров Мачай ғоридан 20 хилдан ортиқ ҳайвон суяklarини топди. Улар қизил бўри, тулки, барс, мўйнали сувсар, қуён, жайра, олмахон, даласичқон, тўнғиз, Бухоро

буғуси, айиқ, эчки, тошбақа ва бошқа ёввойи ҳайвонларга мансуб бўлган. Мачайликлар асосан арҳар ва жайрон овлаганлар.

Ғордан ҳайвон суякларининг топилиши бу эрда яшаган мезолит даври кишилари овчилик ва термачилик шуғулланганликларини билдиради. Тадқиқотлар ғорнинг мил.ав. ВИИ-ВИ минг йилликларга мансуб эканлигини кўрсатди.

Айртом ёдгорлиги жанубий Ўзбекистондаги мезолит даври ёдгорликларидан бири ҳисобланади. У Термиздан 18 км шарқда, Амудар-ёнинг ўнг соҳилида жойлашган кўп қатламли ёдгорликдир. Бу эрдан мезолит даврига оид тош қуроллар, нуклеуслар, пичоқсимон парақалар, учриндилар, қирғичлар, тешгичлар, тош пармалагичлар, ўқ ва найза учлари топилган. Улар Обишир, Тутқовул, ёдгорликларидан топилган тош қуролларига ўхшаб кетади.

Қоятошларга чизилган расмлар ибтидоий одамларнинг дунёқа-раши билан боғлиқ. Қоятош расмлари Ўзбекистоннинг тоғлик туман-ларида кенг тарқалган. Қоя тошларга расмлар икки усулда чизилган: 1- ҳар хил бўёқлар (оҳра) билан, 2- уриб - ўйиш йўли билан. Ўзбекистонда уриб-ўйиб чизиш усули билан ишлаган расмлар, яъни петроглифлар жуда кенг тарқалган. Бўёқлар билан ишланган расмлар жуда кам учрайди.

Ўзбекистонда қоя тош расмларини ўрганиш иши асосан XX асминг 30 йилларидан бошланган. Бу соҳада Г.В.Парфёнов, А.П.Окладников, Ж.Кабиров, Х.Ботиров, М.Хўжаназаров, Ю.Буряков ва бошқаларнинг хизматлари каттадир.

Ўзбекистондаги қоятош расмларининг энг ажойиб намуналарига Зараутсой, Сармишсой, Биронсой, Қорачорвоқсой, Кўксарой, Илонсой, Теракисой, Тутлисой, Шўрбулоқсой, Хўжакент ва бошқаларни киритиш мумкин. Улар жами 100 дан ортиқ жойдан топилган.

Мазкур жойлардаги қоятош суратларда турли ҳайвонларнинг тасвирлари, одамларнинг ҳаракатлари, ов манзаралари акс этган. Кўпинча бу тасвирларда ўша давр одамларининг диний қарашлари билан боғлиқ

тушунчалар акс этган. Ўзбекистон ҳудудидан топилган энг машҳур ёдгорлик Зараутсой ёдгорлиги бўлиб, унда буқа ва эчкиларни овлаш манзараси акс этган. Тадқиқотчилар фикрича, бу ёдгорлик мезолит ва неолит даврларига, яъни мил.авв. VIII-IV минг йилликларга мансубдир.

Қоятошларга ишланган тасвирлар археологик ёдгорликларнинг бир тури сифатида аجدодларимиз маданияти тарихини ўрганишда жуда муҳим аҳамият касб этади. Қоятош расмлари орқали қадимги давр кишиларининг хўжалик ҳаёти ҳақида, ҳайвонларни ов қилиш, кўлга ўргатиш ва хонакилаштириш, чорвачиликнинг вужудга келиши, унинг турлари ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин. Шунингдек, қоятош расмлари қадимги ота-боболаримизнинг ғоявий қарашлари ва диний эътиқодини ўрганишда жуда муҳим тарихий манба ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳудудида мезолит даври жамоаси географик шароити қулай бўлган дашт, текисликлар, кўл, дарё соҳилларида, тоғли ҳудудларда яшаб, овчилик, балиқчилик, термачилик билан шуғуллаганлар. Палеолит даврига нисбатан бу даврда тош қуролларини ишлаш техникаси такомиллашган, қуролларининг турлар кўпайган, сифати яхшиланган. Бу эса хўжаликнинг ривожланишига ва одамлар тафаккурининг ўсишига олиб келган. Бу ҳоли ибтидоий жамоа тузумининг кейинги ривожини учун асос яратиб берган.

II БОБ. СОПОЛЛИТЕПА, ЖАРҚЎТОН, КУЧУКТЕПА ИЛК ШАХАР СИФАТИДА

Ўзбекистоннинг жанубидан топилган археологик ёдгорликларни ўрганишда бронза даври маданияти ҳам муҳим ахамиятга эга. Бронзанинг кашф этилиши ибтидоий жамоа хўжалигида буюк ўзгаришларга олиб келди. Бу инсониятнинг иқтисодий ҳаётигагина эмас, балки сиёсий, маданий, маънавий ҳаётида ҳам туб ўзгаришлар ясади.

Бронзанинг таркиби мис ва қалай қоришмасидан иборат бўлган. Энг яхши бронзанинг таркибида 90% мис ва 10 % қалай бўлган. У дастлаб милоддан аввалги III-минг йиллик охирида Месопотамияда (икки дарё оралиғида) кашф этилган. Бронза қуроллар каттиқ ва уларга ишлов бериш осон бўлганлиги учун мис қатронларни сиқиб чиқарди. Шунингдек, бронза мисга нисбатан паст ҳароратда эриган. Мис 1000 градус ҳароратда эриса, бронза 700- 900 градусда эриган. Унинг бундай паст ҳароратда эриши, унинг бир хўжаликда қуроллар яшаш имконини берган. Бу эса меҳнат жанговор қуролларнинг тури кўпайишига ва самарадорлигининг оширилишига олиб келган²³.

Бронза махсус қалин сопол идиш тигелларда сопол қошиқлар орқали тош ва сополдан ясалган қолипларга солинган. Бронза қолипларга ёпишиб қолмаслиги учун қолипларга мумиё суртилган ва бронза қолипдан осон ажралган²⁴.

Жаҳон тарихида бронза даври милоддан аввалги 3-минг йиллик охиридан бошланади. Бу даврда (қадимги Миср, Месопотамия, Кичик Осиё ва Эроннинг жанубий ғарбида давлатлар шаклланиб, қулдорлик жамияти кенг раванқ топган эди. Ўзбекистон ҳудудида эса бу давр милоддан аввалги III- минг йилликнинг II- чорагида бошланиб, милоддан VII-аввалги асрларгача давом этади. Шунингдек, жамият тараққиёти ҳам ўзига

²³ Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы на юге Узбекистана. – Т. 1977. –44 б

²⁴ Аскарлов А.А Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга ССредней Азии. – Самарканд 1993. – 34 б.

хос тарзда давом этган. Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида деҳқончилик маданияти равнақ топиб, илк шаҳар маданияти таркиб топди. Ўзбекистоннинг жанубий-шарқий ва марказий ҳудудларида, яъни Самарқанд, Фарғона, Қарши воҳаси ҳудудларида илк шаҳар маданияти излари сўнгги бронза даврига келганда вужудга келди. Унгача бу ҳудудларда кўчманчи чорвадорлар маданияти, яъни Андронova ва Тозабоғёб маданиятлари аҳолиси яшаб келган. Ўзбекистоннинг шимолий ҳудудларида чўл ва дашт чорвачилик хўжалиги этакчи ўринни эгаллаган. Зарафшон, Сирдарё ва Амударё этакларида сўнгги бронза ва илк темир даврида чорвадор қабилалар ўтроқлашиб, суғорма деҳқончилик билан шуғуллана бошлаганлар ва улар асосида қишлоқлар ташкил этилади²⁵.

Бронза даври хўжалигининг энг катта ютуғи бу деҳқончилик маданиятининг кенг ёйилиши ва унинг чорвачиликдан ажралиб чиқишидир. Бу жараён фанда биринчи ижтимоий меҳнат тақсимооти деб номланиб, милoddан аввалги ИИ минг йилликнинг иккинчи ярмида содир бўлган. Ижтимоий меҳнат тақсимооти биринчи навбатда табиий шароит муҳитидан келиб чиқиб ихтисослашди. Ўрта Осиёнинг жанубий ва жануби-ғарбий туманлари деҳқончилик маданиятининг ўчоқларига айланди

Унинг чўл ва дашт зоналарида чорвадорлар ва Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий, шимоли-ғарбий, марказий ҳудудларидаги дарё этакларида деҳқончилик маданияти таркиб топа бошлади. Деҳқончиликдан чорвачиликнинг алоҳида соҳа бўлиб ажралиб чиқиши қонуний зарурият бўлган.

Бронзадан ясалган қуроллари меҳнат унумдорлигини оширди, такрорий суғорма деҳқончилик асосида доимий қишлоқлар кўпайди, янги эрлар ўзлаштирилди, ҳунармандчиликнинг янги соҳалари-металлургия, заргарлик ривожланди, кулолчиликда чархдан фойдаланишга ўтилди, уй-жой қурилишида ғиштдан фойдаланилди, мустаҳкам мудофаа деворлари қурила

²⁵ Сагдуллаев А.С. Лушпенко О.Н. Кеш воҳасидаги энг қадимги шаҳар. // Кеш-Шахрисабз тарихидан лавҳалар. 2-лавҳа. Т. 1998 44-62 бб.

бошланди чорвадорлар зонасида от ва эшакдан транспорт сифатида фойдаланишга ўтилди. Гупчакли ғилдиракли аравалар пайдо бўлди, жамият ҳаётида моногам оила таркиб топиб, ҳаётда оталар этакчи бўла бошладилар, патриархат даври бошланиб, уруғ жамоаси эмирила бошлади ва илк давлатчилик элементлари шаклланди. Қўшни мамлакатлар, айниқса чорвадорлар билан деҳқонлар ўртасида товар айирбошлаш жонланди. Қабилалараро муносабатларда бир-бири билан аралашиб янги этносларни шаклланиши ва уларнинг

маданиятлари вужудга келган ҳозирда Қирғизистон, Қозоғистон чўлларида яшаган Андрова маданияти чорвадорлари милоддан аввалги ИИ-минг йил ўрталарида Ўзбекистоннинг шимолий ва жанубий ҳудудларига кириб бориб маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетган ва Тозабоғёп Кайроққум маданиятлар шаклланган.

Ўзбекистон ҳудудидаги бронза даври ёдгорликларини ўрганишда С.П.Толстов, В.И.Массон, Я.Гуломов, М.А.Итина, Ю.А. Заднепровский, Т.Ширинов, Б.Матбобоев, Б.Абдуллаев ва бошқалар оилб борган тадқиқотлари диққатга сазовордир²⁶.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида яъни Сурхондарё вилояти ҳудудида илк бронза давридаёқ қадимги деҳқончилик манзилгоҳлари кейинчалик шаклланишида Мурғоб воҳасидан келган деҳқонлар асосий ўринни эгаллаганлар. Улар дастлаб Шеробод чўлини Сополлитепа қишлоғини ташкил қилганлар. Кейинчалик сополликтепаликлар секин Кўҳитонг ва Бойсун тоғ этаклари бўйлаб шимолий-шарқий ва Шеробод дарёси бўйлаб деҳқончиларнинг қишлоқларини ташкил қилганлар. Тадқиқотчилар бу ёдгорликларни ўрганиб уларни Сополли маданияти номи остида фанга киритганлар. Сополли маданияти 5та хронологик босқичга бўлинади. Ўзбекистонлик археологларни кейинги йилларда олиб борган тадқиқотлари натижасида Сополлитпа ёдгорлигининг хронологик санасини анча аниқлаштирдилар яъни

²⁶ Сағдуллаев А.С ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Т. 2000. – 44 б

радиокарбон ва маданиятлараро тарқалган ашёлар таҳлил 300-400-йилга кадимийлаштирилди. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Сополли босқичи-милоддан аввалги 2150-1900 йиллар.
2. Жарқўтон босқичи - милоддан аввалги 1900- 1600 йиллар.
3. Кўзали босқичи-милоддан аввалги 1600-1450 йиллар.
4. Мўлали босқичи - милоддан аввалги 1450-1250 йиллар.
5. Бўстон босқичи-милоддан аввалги 1250- 1000 йиллар²⁷

Сополлитепа манзилгоҳи Сурхондарё вилоятидаги Шеробод чўлида Қайнарбулоксой худудида топилган. У Термиз Шаҳридан 70 км шимолий-ғарбида жойлашган. Бу манзилгоҳ Шеробод чўлини ўзлаштириш жараёнида 1968 йилда Л.И.Албаум томонидан рўйхатга олинган. Унинг тадқиқот ишлари билан 1969-1974 йилларда А.Асқаров шуғулланган. Ушбу маданиятга тегишли 20 дан ортиқ ёдгорликлар топилган.

Сополлитепа коридорсимон блоклар система асосида қурилган уч қатор мудофаа деворлари билан ўраб олинган йирик қишлоқ бўлган. Унинг умумий майдони 4 га. га яқин. Катта қисми пахта майдонига қўшиб юборилганлиги сабабли, фақатгина, унинг марказий қалъа қисми сақланиб қолган. У квадрат 82 х82 метр бўлган истехкомдир. Қалъа мудофаа деворлари қалинлиги 2 метр бўлиб, сомон қўшилган хом ғиштдан қурилган. Мудофаа деворлари тўлғама тузоқ усулида ишланиб, аниқ ўлчамли коридорсимон блокларга бўлинган. Ташқи блоклар ёлаклар орқали ичкаридаги уй-жойлар билан бирлаштирилган. Ички блоклар мудофаа тизимида қопқон вазифасини бажарган. Ташқаридан қараганда улар қалъага олиб кирадиган дарвозаларга ўхшайди. Лекин қалъага битта дарвоза орқали кирилган. У қалъанинг жанубий томонида жойлашган. Қолганлари «ёлғон дарвоза» бўлган. Бу жуда мураккаб меъморий режа эди. Мудофаа тизимидаги ички ва ташқи блоклар Сополлитепанинг кейинги босқичларида уруғ хилхонаси, уй-жой, кулолчилик устахонаси каби мақсадларда фойдаланишган.

²⁷ Ширинов Т.Ш Орудия производства и оружие эпохи бронза Среднеазиатского Междуречья. – Т. 1986. – 24

Сополлитепада 3 та курилиш босқичи аниқланган. Сополлитепанинг 2 та курилиш даври бир хил материаллар берган. Юқори 3-чи курилиш даврида баъзи ўзгаришлар мавжуд. Бу ўзгаришлар Жарқўтон ёдгорлигининг қуйи қатлами материалларига ўхшайди. Шунинг учун Сополлитепадаги 2та қуйи қатлам «сополли босқичи», унинг юқори қатлами «Жарқўтон» босқичи деб юритилади²⁸.

Сополлитепадаги уй-жойлар 8 та кварталларга бўлинган. Кварталлар уруғлар асосида шаклланган. Қишлоқда 8 та уруғ жамоалари яшаган. Ҳар бир кварталдан 2-3 ёки ундан ортиқ хумдонлар ва нон пишириладиган махсус тандирлар, уй-жой қолдиқлар ва 158 та қабр топилган. Олимлар фикрича, қишлоқ аҳолиси 155-315 кишидан иборат бўлган. Ҳар бир оила ўз уйига эга бўлган. Уйлар орасида кўчалар бўлиб, улар марказий майдони билан боғланган. Уйлар кўп хонали қилиб, хом ғиштдан қурилган. Деворлари бир неча бор сомонли лой билан сувалган, полларга алебастр аралашган лой ёки сопол синиқлари ётқизилган. Хоналарда ўчоқ ва сандал излари сақланган. Ҳар бир хонадоннинг омборхонаси бўлган. Уйлар ичидан тошдан, суякдан, бронзадан ясалган турли хил меҳнат қуроллар, сопол идишлар, турли тақинчоқ ва безаклар уруғ ва қабилаларнинг муҳрлари, тамғалари топилган. Улар маҳорат билан ишланган. Топилмалар ўша давр аҳолисининг юксак маданий-хўжалик ривожига эришганлигидан гувоҳлик беради.

Сополлитепада сопол буюмлар кулолчилик чархида ишланиб, икки ярусли хумдонларда пиширилган. Сопол идишлар жарангдор, юпқа қилиб ишланган. Уларнинг турли хил шакллари оёқли вазалар, қадахлар, жўмракли чойнақлар, кўзалар, хурмачалар, конуссинмон косалар, тоғоралар, хуралар, сопол тагкурси, қозонлар топилган. Булар кулолчиликнинг ривожланганлигини кўрсатади. Сопол буюмларди нақшлари йўқ, фақат кўзали босқичининг кўзаларида горизонтал чизиқлар учрайди.

Сополлитепада тўқимачилик соҳаси ҳам ривожланган. Бу ҳақда мозорлардан топилган кийим мато қолдиқлари дарак боради. Бу кийим

²⁸ Исомиддинов М. Сополга битилган тарих. – Т. 1993. – 44 б

колдиқлари илмий лаборатория текширувидан ўтказилганда уламинг пахта ва табиий ипакдан ишланганлиги маълум бўлиб, пахтачилик ва ипакчилик бронза даврида ҳам мавжуд бўлганлигини исботлайди. Бу эса ипакнинг бундан 2000 йил олдин Хитойдан Ўрта Осиёга кириб келган, деган фикрни рад қилиб Ўзбекистонда пахтачилик ва ипакчилик 3,5 минг йиллик тарихга эга эканлигини тасдиқлайди.

Бу даврда металл билан ишлаш хунармандчилиги ҳам тараққий этган. Археологик қазишмалар вақтида юзлаб металл буюмлари уй-рўзғор буюмлари, ҳарбий қуроллар, сурнадонлар, тўғнағич, хайвон маъбудалари, турли нақшдор тамға ва муҳрлар топилган.

Сополитепа манзилгоҳида уруғ жамоа аъзолари оламдан ўтса, уни ўзи яшаган хонанинг поли остига эшик ёки ўчоқ олдида ёки хона деворлари остига кўмиш одати бўлган. Агар ўлган киши жамоада нуфузли обрўга ёки уруғ оқсоқоли бўлса, у ҳолда унинг қабри унга ажратилган хонанинг қоқ ўртасида бўлган. Сополитепаликлар абадий ўлимга ишонмаганлар, «нариги дунё» тушунчаси уларда кучли бўлган. Шунинг учун ўлган киши қабрига ўз шахсий мулки ва уруғдошлар келтирган идиш-товоқлардаги овқатлар билан кўмганлар. Ҳар бир қабрда 2-3 тадан то 50 тагача буюмлар топилган. Ёш болалар қабрларида идишлар кам, ўсмирлар қабрида эса 5-6 та буюмлар топилган. Уларнинг аксарияти сопол идишлар бўлган. Мозорларда бронзадан ишланган турли хил тақинчоқлар диний эътиқод билан боғлиқ бўлган тумор-муҳрлар, қимматбаҳо тошлардан ишланган турли хил мунчоқлар, олтин мунчоқлар, кумуш ҳалқа ва билакузуклар, оркаклар мозорларининг баъзилари чақмоқтошдан ишланган пайконлар, бронза ойболта, пичоқ, митти теша, болта ва бошқалар, аёллар қабрида уроҳуқ тош, бронза сурмадонлар, сурматош, тўқимачилик асбоблари, турли шакллардаги бронза тўғноғичлар, бронза ойналар, игна, бигиз, митти куракча ва бошқа нарсалар қўйилган.

Баъзи яхши сақланган мозорларда лух, буғдой ва арпа поясидан тўқилган саватчалар, теридан, ёғочдан ишланган идишлар, мрамар тошдан

йўнилган хурмачалар топилган. Мозорларга қўйилган буюм-ларга қараб, мархумнинг дурадгор уста, бўзчи, кулол, табиб, подачи, овчи, жангчи ёки чилангар эканлигини айтиш мумкин. Қабрга эркаклар ўнг биқини билан, аёллар чап биқини билан ётқизилган, оёқ-қўллари эса, ғужанак ҳолда кўмилган²⁹.

Баъзи мозорларга бедарак йўқолган жамоа аъзосининг руҳи кўмилган. Бундай қабрларга одатда одам хайкалчаси ёки қўй ва эчки боласи кўмилган. Бундай қабрлар фанда «кенатаф» деб аталади.

Қабрлардан топилган предметларга қараганда, уруғ жамоаларини бошқаришда ҳали аёлларнинг мавқеи катта бўлган, яъни уларнинг анъанавий обрўйи жамоада сақланиб қолган. Сополлитепадаги ҳар бир квартал хилхонасида бой аёл қабри бор. Фақат шундай қабрлардагина бронза ёки тошдан ясалган тумор-муҳрлар чиққан. Улар уруғ тотемлари ҳақидаги диний тасаввурларнинг намунаси ҳисобланади.

Сополлитепада ҳаёт тахминан 200-250 йиллар давом этган. Кейинчалик унинг аҳолиси янги эрларни ўзлаштириш мақсадида шарқ томон силжиб, ҳозирги Шеробод яқинидаги Оққўрғон қишлоғи ҳудудига кўчиб борганлар.

Жарқўтон ёдгорлиги сополлитепаликлар асос солган илк шаҳар ҳисобланади. У Бўстонсойнинг чап соҳилида жойлашган бўлиб, 100 га майдонни эгаллаган. Бу ернинг аҳолиси ҳам деҳқончилик билан шуғулланиб, камида 500 йил шу эрда яшаганлар.

Жарқўтон уч қисмдан иборат. Унинг арки 3га майдонни эгаллаган. Аркнинг атрофи мудофаа деворлари билан ўраб олинган. У эрда хукмдорнинг қароргоҳи жойлашган. Мудофаа девори сомон қўшилган хом ғиштдан ишланган. Девор қалинлиги 3м, баландлиги 5-6м бўлган. Ҳозирда сақланган қисми 1 м гача боради. Девор квадрат шаклидаги буржлар билан мустаҳкамланган. Аркка кириш дарвозаси жануб томонда жойлашган. Аркда хукмдор саройи алоҳида ажралиб туради. Саройда кўп оддий хоналар бўлиб, сарой майдонида 20кв.м супа жойлашган. Аркнинг шарқий томонида бир

²⁹ Аскарлов А. А. Сапаллитепа – Т. 1973. – 67 б

неча уй-жой массивлари топилган. Улар 1,5 м қалинликдаги супа устига қурилган. Бу эрда кўп хонали ҳовлилар очилди. Ҳар бир ҳовлида 2-3 та ўчоқ топилган.

Шаҳарнинг жанубида 20 га майдонни эгаллаган шаҳар қабристони топилган.

Жарқўтонда оташпарастлик ибодатхонаси очилди. Ибодатхонанинг атрофи 4,5 м қалинликдаги девор билан ўраб олинган. Ибодатхона икки қисмдан - муқаддас зиёратхона ва хўжалик қисмларидан иборат бўлган. Ибодатхонанинг муқаддас қисми квадрат шаклида бўлиб, 35x35 метрга тенг. Унинг таркибида муқаддас олов, муқаддас қудуқлар, алтарлар ва 4 босқичга доир тош йўлаклар бўлган. Булар эрга, сувга, оловга сиғиниш унсурлари ҳисобланади. Ибодатхонанинг ишлаб чиқариш-хўжалик қисмида муқаддас ичимлик-хаома тайёрлайдиган хона, мазор авентарлари тайёрлайдиган устахоналар ва ибодатхонага ажратилган озиқ-овқат омбори жойлашган³⁰.

Ибодатхонада ҳеч ким яшамаган, у фақат оловга сиғиниш билан боғлиқ бўлган урф-одатлар ва диний маросимлар ўтказиш маркази бўлган³¹.

Ҳозирги кунда Жанубий Ўзбекистон территориясида 20 дан ортиқ бронза даври ёдгорликлари топилган. Булар Жарқўтон, Бўстон, Култепа, Майдатепа, Мўлали ва бошқалар бўлиб, улар асосан, Сурхандарё вилоятининг Шеробод, Жарқўрғон ва Шўрчи ҳудудларида жойлашган. Бу ёдгорликларни ўрганиш натижасида Сополлитепа маданияти қадимги Шарқ цивилизациясининг ажралмас бир қисми эканлигини кўрсатди.

Бронза даврида ёғочдан ясалган омов ва сўқаларга темир тиш кийдирилган. Илк темир даврида кўпгина янги меҳнат қуроллари яратилган. Эгов пайдо бўлган, унинг кесиклари бир қатор бўлиб, ҳозирги эговларга ўхшаш бўлган. Эгов сканжа билан биргаликда ишлатилган. Қулф ва калитлар пайдо бўлган. Улар эговлаб ясалган. Илгариги даврларда қулф ва калитлар қадимги Шарқда бўлиб, у ёғочдан ишланган.

³⁰ Аскарлов А.А Ширинов Т. Раняя городская культура эпохи бронзу юга Средней Азии. – Самарканд 1993 44 стр.

³¹ Аскарлов А.А Абдуллаев Б. Джаркутан. – Т 1983. –76 стр.

Илк темир даврида темир ўроқ рандалар чакмоқтош ўроқ рандаларни сиқиб чиқарган. Темир ўроқ ранда ёйсимон ўткир юпка темирдан иборат бўлиб, икки учига даста ўрнатилган. У поя пўстини шилиш ва ёғоч рандалаш учун ишлатилган.

Ҳарбий қурол аслаҳаларнинг асосий турлари: қилич, ханжар, найза, чўқмор, жанг болталари бронза давридаёқ ишлатилган бўлсада, темир даврига келиб унинг фақат метали ўзгарган. Бу даврда ёй ўқларини ясашда темир кам ишлатилган, асосан бронзадан ишланган.

Оддий темир ҳарбий ва меҳнат қуроллари учун юмшоқлик қилган. Юнон тарихшуноси Полибей мил.ав. ИИИ асрда галлиялик жангчилар қилич билан бир ургандан кейин уни оёғи билан тўғрилаб олишга мажбур бўлганлигини ёзиб қолдирган.

Бироқ кўпчилик давлатларда илк темир давридаёқ пўлат ишлатила бошланган. Темирни ўчоқда бир неча марта қизитиб ва уни бир неча марта совуқ сувга солиб тоблаб пўлат хосил қилинган.

Қадимги Бақтирияда ўтроқ деҳқончилик маданияти бронза давриданок шакллана бошлаган. Бу маданият Сополлитепа, Жарқўтон, Кучуктепа, Қизилтепа, Бандихон-1, Таллашкан, Жондавлаттепа каби қадимги деҳқончилик маданияти ёдгорликлари асосида ўрганилган.

Кучуктепа Қадимги Бақтрия ҳудудида сўнгги бронза даврига оид ёдгорлик ҳисобланади. У Сурхандарё ҳудудидаги Уланбулоқсой соҳилида жойлашган. Ёдгорликни 1962 йилда Л.И.Албаум томонидан топилган ва 1963-1967 йиллар давомида тадқиқот ишлари олиб борилган. Бу тадқиқотлар натижасида унинг 2 та ривожланиш босқичи кўрсатилган. Кейинги йилларда Бақтрия археологик отрядининг олиб борган тадқиқотлари натижасида ёдгорлик санаси анча аниқликлар киритилди ва 4 та қурилиш босқичи аниқланди:

Кучук 1 -милоддан аввалги 1300-1000 йиллар

Кучук 2 -милоддан аввалги 1000-850 йиллар

Кучук 3 -милоддан аввалги 850-650 йиллар

Кучук 4 - милоддан аввалги 650-450 йиллар

Илк антик даврга ўтиш -мил. ав. 450-350 йиллар³²

Кучуктепада 8 метр қалинликдаги ғишт супа устига қурилган атрофи мудофаа деворлар билан ўралган қаср очилди. Унинг қуйи уч қатлами сўнгги бронза даврига оид. Бу қатламлардан қўлда ишланган рангли нақшли сополлар ва Сополли маданиятига оид чархда ишланган сопол идишлар топилди. Тошдан, терракотадан ишланган урчуклар, суякдан ишланган игна, бигиз, учбурчак шаклидаги бронза ўқ учлари топилган.

Кучук-2 қатламидан биринчи бор икки парракли асоси зўғатасимон қилиб ишланган бронза пайконлар топилган. Бу даврда кулолчилик чархида ишланган сопол идишларнинг янги формалари пайдо бўлган. Улар банкасимон, цилиндр-конус шаклида бўлиб, гардиши қармоқсимон қилиб ишланган. Бундай сопол хиллари сўнгги бронза ёдгорликларида умуман учрамайди. Шу сабаб Кучук ИИ қатламини олимлар сўнгги бронза давридан илк темир даврига ўтиш даври деб ҳисоблайдилар. 1977 йилда олиб борилган тадқиқотлар натижасида Кучук-2қурилиш босқичидан 4 қатор мудофаа девори билан ўралганлиги аниқланган. Бу девор бронза давридаги деворлардан 2 метр узоқликда қурилган. 4-девор 4,5 метр қалинликдаги маданий қатлам устига қурилган. 3-девор эса айлана шаклдаги буржлар билан мустаҳкамланган. Кучуктепанинг юқори қатламлари, яъни Кучук 3 ва 4 қурилиш босқичлари илк темир даврига оиддир. Бу даврларда сопол идишлари фақат кулолчилик чархида ишланган.

Бронза даври Кучуктепа археологик комплекси Бандихон қишлоғидаги Майдатепадан ҳам топилган. Бу ёдгорликда Э.В.Ртвеладзе тадқиқот ишлари олиб бориб, Кучук 1 ва Кучук 2 комплекслари Майдатепада мавжудлигини исботлади. Кучук 1 ва Кучук 2 комплексларига тегишли ёдгорликлар

³² Аскарлов А.А. Энг қадимги шаҳар. Т 2001. - 33 б

Жарқўтоннинг юқори қатлампидан, Шўрчи туманидаги Қизилтепа, Бўйрачитепа, Миршоди ёдгорликларидан ҳам топилган.³³

Миршоди маконини қазиш вақтида қадимги деҳқон жамоаларининг диний-эътиқод тушунчалари билан боғлиқ буюмлар топилди. Улар қора тошдан ишланган 4 та ғалтаксимон митти «вазачалар», ўғир дастаси ва қизил қумтошдан йўнилган эркак киши калласининг ҳайкалчаси эди. Бу митти буюмларни Г.А.Пугаченкова табиатда ҳосил берадиган ва уни қайта ишлаб чиқарадиган кучлар ғояси билан, тош ҳайкалчани эса, ҳосилдорлик бош худоси билан боғлайди. Шунга ўхшаш буюмлар Кучуктепадан ҳам топилган. У эрдан қўшалок вазасимон митти исриқдонлар ҳам топилган. Уларда олов излари сақланган. Эҳтимол, бу буюмларнинг барчаси деҳқон жамоаларининг диний-эътиқоди билан боғлиқдир.

Умуман, Кучуктепанинг бронза даври моддий маданияти монументал архитектурасини ҳисобга олмаганда, Чуст маданиятини эслатади. Бу эса улар ўртасида маданий-хўжалик ва этник бирлик борлигини кўрсатади.

Суғдиёна ўлкасида деҳқончилик маданияти илк темир давридан шакллана бошлаган. Бу маданият Кўктепа, Сангиртепа, Даратепа, Узунқир, Лолазор каби қадимги деҳқончилик маданиятлари ёдгорликлари мисолида ҳамда Тўрткултепа, Афросиёб ва эркўрғоннинг қуйи қатламларида топилган.

Умуман, Суғдиёнанинг илк темир даври ёдгорликлари дарё воҳаларида таркиб топган. Бу айниқса, Қашқадарё воҳасида аниқ кўзга ташланади. Бу эрда илк темир даврига оид бир неча воҳаларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Манзилгоҳларни ҳажми ва вазифаларига кўра қуйидаги типларга ажратилади.

1. Арк ва мудофаа деворларга эга бўлган шаҳар ҳаробалари (Узунқир, эркўрғон).
2. Қишлоқлар (Даратепа, Чироқчитепа, Бешқўтонтепа).

³³ Ртвеладзе Э.В. Новые древнебактрийские памятники на юге Узбекистана.// Бактрийские древности. – 1976 – 36 стр.

3. Мудофаа деворлари билан ўралган алоҳида вазифаларни бажарувчи манзилгоҳлар (Ибодатхона бўлиши мумкин).

Еркўрғон - Суғднинг маданий-иқтисодий марказларидан бири ҳисобланади. Унинг майдони 150га тенг. Манзилгоҳнинг қуйи қатламидан мил.ав.ВИИИ-ВИИ асрларга оид уй-жой ва хўжалик иморатларининг ўрни аниқланган. Мил.ав. ВИ асрда унинг ички томони кенгайтирилиб, мудофаа девори билан ўраб олинади. Ички томонида ҳашаматли маъмурий бинолар барпо этилади, лекин арк излари топилмаган.

Узунқир - ёдгорлиги Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида жойлашган. У мил.ав. ВИИИ-ВИИ асрларда кичик манзилгоҳ сифатида шаклланиб, мил.авв.ВИИ-ВИ асрларда 70 га майдонни эгаллаган воҳанинг маъмурий марказига айланган. Тўғри бурчакли бурж, шинакларга эга бўлган мустаҳкам мудофаа деворига эга бўлган. Ҳозирги пайтда мудофаа деворининг бир қисми сақланиб қолган. Мудофаа деворининг қалинлиги 1,85 метр бўлиб, пастки қисми гуваладан, юқори қисми эса пахса ва хом ғиштдан қурилган.

Ёдгорлик 1981 йилда ТошДУ Ўрта Осиё археологияси кафедраси ходимлари томонидан ўрганилган. Тадқиқотлар натижасида топилган сопол идишлар, бронза ва темирдан ясалган меҳнат ва ҳарбий қурооллар шаҳарда хунармандчилик тараққий этганлиги аниқлади. Шунингдек, деҳқончилик ва боғдорчилик ҳам ривожланганлигини исботлади. Мил.авв. ВИИ-ВИ асрларда Навтака деб аталган вилоят маркази Узунқир бўлган.

III БОБ. ТЕМИР ДАВРИГА ОИД ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИДАН ТОПИЛГАН ИЛК ШАХАРЛАР.

Сўнги бронза ва илк темир даврига келиб ўзбекистоннинг барча худудларида ўтроқ деҳқончилик маданияти шаклланди. Зарафшон ва Қашқадарё худудида Суғдиёна, Амударёнинг қуйи оқимида Хоразм, Сирдарёнинг юқори ҳавзасида қадимги Фарғона ва унинг ўрта оқимида Чоч деҳқончилик маданиятлари марказлари шаклланди. Амударё ва Зарафшон ҳавзаларида таркиб топган ҳар бир деҳқончилик воҳаларининг ўтроқ аҳолиси Авестода Бахди, Гава Сўғуда, Хваризам, Сирдарё ҳавзаларида шакланган деҳқончилик ўлкаларини эса Чоч ва Фраганик номлари билан эслатиб ўтилади³⁴. Меҳнат қуроллари ишлаб чиқаришда темирнинг кашф этилиши ўша давр ижтимоий-иқтисодий ҳаётида туб ўзгаришларнинг асоси бўлди. Темирдан фойдаланиш натижасида жамиятнинг Социал-иқтисодий ҳаётида катта ўзгаришлар болди. Иккинчи йирик меҳнат тақсимоти содир бўлди. Деҳқончиликдан хунармандчилик ажралиб чиқди. Бу ўз навбатида меҳнат унумдорлигининг ошишига, товар айирбошлашнинг жонланишига, хусусий мулкнинг ривожланишига, давлатнинг мустаҳкамланишига сабаб бўлди. Темир даври бошларида Осиё ва Еропанинг ҳамма жойларида мустаҳкам истеҳкомлар қурилган, шаҳарлар ривожланган. Умуман, одамлар темир билан энеолит давридаёқ таниш бўлганлар, лекин унинг амалий аҳамиятини билмаганлар. Табиатда соф темир, фақат метеоритларда учрайди. Осмондан тушган буюм эса, ибтидоий одамлар учун муқаддас буюм саналган., Темирдан ишланган тақинчоқлар, мунчоқлар қадимги Шарқда истеҳкомат қилган қабилаларнинг қабрларидан топилган. Темир то мил.ав. 1 минг йилликгача аҳоли учун ноёб зеб-зийнат буюмлари яшаш учун материал сифатида ишлатиб келинган.

³⁴ Муртазаева Р.Х ва бошқ. “Ўзбекистон тарихи”. Т “Янги аср авлоди”. 2003. 35 б

Мил.ав. XIV асрларга оид Миср, Месопотамия ва эгей денгизи атрофида темирдан ишланган буюмлар учрайди. Бундай буюмлар Италияда мил. авв. XII асрда, Германия, Скандинавия ва Россия худудларида X асрларда пайдо бўлган. Темирнинг оммавий равишда қўлланилиши эса, мил.ав. IX асрга тўғри келади. Ўрта Осиё худудида илк темир буюмлари мил.ав. VIII асрларга оиддир. Темир табиатда руда холида жуда кўп учрайди, деярли ибтидоий қабилалар яшаган барча худудларда мавжуд бўлган. Лекин калай ва мис айрим худудлардагина мавжуд бўлиб, бу қабиларга ўзларига етарли хом-ашё олишда қийинчиликларни туғдирган. Бронзага ишлов бериш, темирга ишлов беришдан кўра, ибтидоий одам учун осон кечган, чунки бронза 700-800 С да, мис 1084 С да эриган, темир эса 1530 С да эриган. Шу сабаб дастлаб темирни эритмасдан ишлов берганлар ва у сарғиш ва бўш металл шаклида болган³⁵.

Ибтидоий даврда рудадан темирни ажратиб олиш жараёнининг кашф этилиши, энг буюк кашфиёт бўлган. Бу кашфиёт асосида эса темир рудасига дам бериш усули ётади. Дам бериш усулидан баъзи жойларда сўнгги бронза давридан фойдаланиб келинган. Дам беришда босқонли усулларидан фойдаланилган. Рудадан темир ажратадиган босқондан кўра тошдан ясалган ва лой билан сувалган қозонсимон ўчоқ бўлган. ўчоқ баъзан гуваладан ясалган. Дам бериш учун унинг икки томонида кичикроқ тешик очилган. Бу тешикларга найча ўрнатилган, найчаларга эса тери дамларга бириктирилган дастанни босиб дам берилган. Кўрага темир ва руда тахланган. Унга фақат писта кўмир ёқилган ва кўпинча ботқоқ рудаси ишлатилган. Тикланган темир зарралари пишиб, соф темир бўлаклари ҳосил бўлган. Рудадаги бошқа аралашмалар тошқолга чиққан.

Темир бўлаклари болта билан урилиб жипслаштирилган ва керакли шакл берилган. Болта бронза даврида тошдан ясалган бўлса, темир даврига келиб у темирдан ишланган. Рудадан темир олиш усулида соф темирнинг

³⁵ Шайдуллаев Ш.Б Северная Бактрия в эпоху раннего железного века – Т. 2000. – 44 б

кўпи тошқолга чиқиб кетган. Бу жараён кам махсул бўлганлиги сабабли одамлар ўрта аср охирларида чўядан темир олиш усулига ўтганлар. Темирчилар ўзларининг ишлаш услубларини одамлардан сир тутганлар ва устахоналарини аҳоли яшайдиган жойлардан узоқроқда қўриб, унга ҳеч кимни киритишмаганлар. Шу сабаб одамлар орасида темирчилар ҳақида турли хил тушунчалар пайдо бўлган. Уларнинг кўплари илохийлаштирилган ва ҳар бир халқда ўзининг темирчи худолари шаклланган. Масалан, юнонларда Гефест, римда Вулкан, немисларда Виланд, русларда Сварог, ўрта осиёликларда Довуд ҳисобланиб, одамлар уларнинг шарафига турли маросимлар ўтказган ва сиғинишганлар. Темир қуролларга ўтиш кўпчилик мамлакатларда узил-кесил деҳқончиликка ўтиш учун зарур шароит яратиб берган. йевопада ўрмонзорларда экин майдонларини кенгайтириш имконини берган. йерларга ишлов бериш сифатини оширган. Унда сўқа ва омочдан кенг фойдаланилган. Сўқа ёрдамида йерлар чуқур ва сифатли ҳайдалган. Омоч ёрдамида эса, эгатлар ҳосил қилинган ва тошлоқ, қаттиқ йерларга ишлов бериш осон бўлган. Темир сўқа тишлар мил.ав. ВИИИ асрларга оид Оссур подшолари саройидан топилган. Бошқа жойларда эса, илк темир даврида ёғочдан ясалган омоч ва сўқаларга темир тиш кийдирилган. Илк темир даврида кўпгина янги меҳнат қуроллари яратилган. Эгов пайдо бўлган, унинг кесиклари бир қатор бўлиб, ҳозирги эговларга ўхшаш бўлган. Эгов исканжа билан биргаликда ишлатилган. Қулф ва калитлар пайдо бўлган. Улар эговлаб ясалган. Илгариги даврларда кулф ва калитлар³⁶ қадимги Шарқда бўлиб, у ёғочдан ишланган. Илк темир даврида темир ўроқ рандалар чакмоқтош ўроқ рандаларни сиқиб чиқарган. Темир ўроқ ранда ёйсимон ўткир юпқа темирдан иборат бўлиб, икки учига даста ўрнатилган. У ғўла пўстини шилиш ва ёғоч рандалаш учун ишлатилган. Ҳарбий қурол аслаҳаларнинг асосий турлари: қилич, ханжар, найза, чўқмор, жанг болталари бронза давридаёқ ишлатилган бўлсада, темир даврига келиб,

³⁶ Аскарлов А.А Ширинов Т. Раняя городская культура эпохи бронзу юга ССредней Азии. – Самарканд 1993 25 б.

унинг фақат метали ўзгарган. Бу даврда ёй ўқларини яшашда темир кам ишлатилган, асосан бронзадан ишланган. Оддий темир ҳарбий ва меҳнат куроллари учун юмшоқлик қилган. Юнон тарихшуноси Полибий мил.ав.ИИИ асрда галлиялик жангчилар қилич билан бир ургандан кейин уни оёғи билан тўғрилаб олишга мажбур бўлганлигини ёзиб қолдирган. Бироқ кўпчилик давлатларда илк темир давридаёқ пўлат ишлатила бошланган. Темирни ўчоқда бир неча марта қизитиб ва уни бир неча марта совуқ сувга солиб тоблаб пўлат ҳосил қилинган. Қадимги Бактрияда ўтроқ деҳқончилик маданияти бронза давриданок шакллана бошлаган. Бу маданият Сополлитепа, Жарқўтон, Кучуктепа, Қизилтепа, Бандихон-1, Таллашкан, Жондавлаттепа каби қадимги деҳқончилик маданияти ёдгорликлари асосида ўрганилган. Кучуктепа Қадимги Бактрия ҳудудида сўнгги бронза даврига оид ёдгорлик ҳисобланади. У Сурхандарё ҳудудидаги Уланбулоқсой соҳилида жойлашган. Ёдгорликни 1962 йилда Л.И.Албаум томонидан топилган ва 1963-1967 йиллар давомида тадқиқот ишлари олиб борилган. Бу тадқиқотлар натижасида унинг 2 та ривожланиш босқичи кўрсатилган. Кейинги йилларда Бактрия археологик отрядининг олиб борган тадқиқотлари натижасида ёдгорлик санаси анча аниқликлар киритилди ва 4 та қурилиш босқичи аниқланди: КучукИ-милоддан аввалги 1300-1000йиллар;

Кучук-ИИмилоддан аввалги 1000-850 йиллар; Кучук ИИИ милоддан аввалги 850-650 йиллар;

Кучук ИВ — милоддан аввалги 650—450 йиллар;

Илк антик даврга ўтиш -мил. ав. 450-350 йиллар;

Кучуктепада 8 метр қалинликдаги ғишт супа устига қурилган атрофи мудофаа деворлар билан ўралган қаср очилди. Унинг қуйи уч қатлами сўнгги бронза даврига оид³⁷. Бу қатламлардан қўлда ишланган рангли нақшли сополлар ва Сополли маданиятига оид чарҳда ишланган сопол идишлар топилди. Тошдан, терракотадан ишланган урчуқлар, суякдан ишланган игна, бигиз, учбурчак шаклидаги бронза ўқ учлари топилган. Кучук ИИ қатламидан

³⁷ Шамсутдинов Р.Т. Мўминов Х. “Ўзбекистон тарихи” .2011. Т. 15 б.

биринчи бор икки парракли асоси зўғатасимон қилиб ишланган бронза пайконлар топилган. Бу даврда кулолчилик чархида ишланган сопол идишларнинг янги формалари пайдо бўлган. Улар банкасимон, цилиндр-конус шаклида бўлиб, гардиши кармоқсимон қилиб ишланган. Бундай сопол хиллари сўнгги бронза ёдгорликларида умуман учрамайди. Шу сабаб Кучук ИИ қатламини олимлар сўнгги бронза даврдан илк темир даврига ўтиш даври деб ҳисоблайдилар. 1977 йилда олиб борилган тадқиқотлар натижасида Кучук ИИ қурилиш босқичидан 4 қатор муҳофаа девори билан ўралганлиги аниқланган. Бу девор бронза давридаги деворлардан 2 метр узокликда қурилган. 4-девор 4,5 метр қалинликдаги маданий қатлам устига қурилган. 3-девор эса айлана шаклдаги буржлар билан мустаҳкамланган. Кучуктепанинг юқори қатламли, яъни Кучук ИИИ ва ИВ қурилиш босқичлари илк темир даврига оидир. Бу даврларда сопол идишлари фақат кулолчилик чархида ишланган. Бронза даври Кучуктепа археологик комплекси Бандихон қишлоғидаги Майдатепадан ҳам топилган. Бу ёдгорликда Е.В. Ртвеладзе тадқиқот ишлари олиб бориб, Кучук И ва Кучук ИИ комплекслари Майдатепадан мавжудлигини исботлади. Кучук И ва Кучук ИИ комплексларига тегишли ёдгорликлар Жарқўтоннинг юқори қатлампидан, Шўрчи туманидаги Қизилтепа, Бўйрачитепа, Миршоди ёдгорликларидан ҳам топилган. Миршоди маконини қазиб вақтида қадимги деҳқон жамоаларининг диний-эътиқод³⁸ тушунчалари билан боғлиқ буюмлар топилди. Улар қора тошдан ишланган 4 та ғалтаксимон митти «вазачалар», оғир дастаси ва қизил кумтошдан йўнилган эркак киши калласининг ҳайкалчаси эди. Бу митти буюмларни Г.А. Пугаченкова табиатда ҳосил берадиган ва уни қайта ишлаб чиқарадиган кучлар ғояси билан, тош ҳайкалчани эса, ҳосилдорлик бош худоси билан боғлайди. Шунга ўхшаш буюмлар Кучуктепадан ҳам топилган. У йердан қўшалок вазасимон митти исриқдонлар ҳам топилган. Уларда олов излари сақланган. Эҳтимол, бу буюмларнинг барчаси деҳқон жамоаларининг диний-эътиқоди билан боғлиқдир. Умуман, Кучуктепанинг бронза даври

³⁸ Н.А. Эгамбердиева “Археология” Т-2011 - 56 б

моддий маданияти монументал архитектурасини ҳисобга олмаганда, Чуст маданиятини эслатади. Бу эса улар ўртасида маданий-хўжалик ва этник бирлик борлигини кўрсатади. Суғдиёна ўлкасида деҳқончилик маданияти илк темир давридан шакллана бошлаган. Бу маданият Кўктепа, Сангиртепа, Даратепа, Узунқир, Лолазор каби қадимги деҳқончилик маданиятлари ёдгорликлари мисолида ҳамда Тўрткултепа, Афросиёб ва Ёерқўрғоннинг қуйи қатламларида топилган. Умуман, Суғдиёнанинг илк темир даври ёдгорликлари дарё воҳаларида таркиб топган. Бу айниқса, Қашқадарё воҳасида аниқ кўзга ташланади. Бу йерда илк темир даврига оид бир неча воҳаларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Манзилгоҳларни ҳажми ва вазифаларига кўра қуйидаги типларга ажратилади.

1 .Арк ва мудофаа деворларга эга бўлган шаҳар ҳаробалари(Узунқир, Ёерқўрғон).Қишлоқлар (Даратепа, Чироқчитепа, Бешқўтонтепа).Мудофаа деворлари биланўралган алоҳида вазифаларни бажарувчи манзилгоҳлар (Ибодатхона бўлиши мумкин). Ерқўрғон - Суғднинг маданий-иқтисодий марказларидан бири ҳисобланади. Унинг майдони 150га тенг. Манзилгоҳнинг қуйи қатламидан мил.авв. VIII–VII-асрларга оид уй-жой ва хўжалик иморатларининг ўрни аниқланган. Мил.авв. VI асрда унинг ички томони кенгайтирилиб, мудофаа девори билан ўраб олинади. Ички томонида ҳашаматли маъмурий бинолар барпо этилади, лекин арк излари топилмаган. Узунқир - ёдгорлиги Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида жойлашган. У мил.авв. VIII–VII- асрларда кичик манзилгоҳ сифатида шаклланиб, мил.авв. VIII–VI-асрларда 70 га майдонни эгаллаган воҳанинг маъмурий марказига айланган. Тўғри бурчакли бурж, шинакларга эга бўлган мустаҳкам мудофаа деворига эга болган. Ҳозирги пайтда мудофаа деворининг бир қисми сақланиб қолган. Мудофаа деворининг қалинлиги 1,85 метр бўлиб, пастки қисми гуваладан, юқориқисми эса пахса ва хом гиштдан қурилган.Ёдгорлик 1981 йилда Тош ДУ ўрта Осиё археологияси кафедраси ходимлари томонидан ўрганилган. Тадқиқотлар натижасида топилган сопол идишлар, бронза ва темирдан ясалган меҳнат ва ҳарбий қурооллар шаҳарда

хунармандчилик тараққий этганлиги аниқлади. Шунингдек, деҳқончилик ва боғдорчилик ҳам ривожланганлигини исботлади. Мил.авв. VIII-VI асрларда Навтака деб аталган вилоят маркази Узунқир бўлган. Мил.авв. IIII -III асрларда вилоят маркази янги шаҳарга, яъни ҳозирги Китоб шаҳри ўрнига кўчади. Узунқир Ўзбекистон ҳудудидаги илк шаҳар намунаси ҳисобланади. Суғдиёналиклар суғорма деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар. Деҳқонлар буғдой, арпа, жавдар экканлар. Қашқадарё воҳасида топилган кулолчилик буюмлари икки гуруҳга бўлинади. 1. Кулолчилик чархида ишланган нақшсиз идишлар-коса, товоқ, хумчалар. 2. Қўлда ясалган ва геометрик нақшлар билан безатилган идишлар. Улар асосан тоғолди ҳудудларидан топилган. Сангиртепа-ёдгорликлари Қашқадарё ўрта оқимидаги Шўробод дарёси бўйида жойлашган. Сангиртепанинг умумий майдони 3 гектардан иборат бўлиб, унинг жанубий ва ғарбий томонларида муҳофаа деворлари бўлган. Ёдгорликнинг кўп қисми кейинги даврларда деҳқончилик қилиш учун теккисланиб юборилган. Тадқиқотлар натижасида у ердан 6,85 метрга тенг маданий қатлам очилиб, 4 та қурилиш даври аниқланган. Сангиртепанинг илк шаклланган даври мил.авв. IX-VIIII асрлар ҳисобланади. Бақтрия ва Суғдиёна иқтисодий ва маданий ҳаётининг шаклланишида қадимги шарқ сивилизатсиясининг таъсири кучли бўлган. Шунинг учун ҳам бу ўлкаларда сўнгги бронза ва илк темир давриданок қадимги шаҳарлар шаклланиб, илк давлатчилик вужудга келган. Қадимги Хоразмда эса, унинг табиий географик шароитидан келиб чиқиб, сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик маданиятини яратадилар.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон тарихини ўқитишда қадимги моддий ёдгорликлар, қадимги шаҳарлар узоқ давом этган тарихий жараёнлар ва турли: ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва табиий географик омилларнинг таъсири натижасида шаклланиб келган. Милоддан аввалги III минг йилликнинг иккинчи чорагида Ўзбекистоннинг жанубида Сополлитепа кўринишидаги дастлабки мустақкам қишлоқлар пайдо бўлади. Булар, ўзларининг ривожланиш жиҳатидан неолит даври манзилгоҳларидан ажралиб туради. Демак, тадқиқотлар натижасида Сополлитепа, Жарқўтон, Кучуктепа аҳолисининг асосий машғулоти сунъий суғоришга асосланган ўтроқ деҳқончиликдан иборат бўлган экан. Олиб борилган тадқиқотлар таҳлилидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, милоддан аввалги III минг йилликда ўрталарига келиб Жарқўтон ўша ҳудудлардаги деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли қабилалари уюшмаларининг мустақкам истехкомига айланди.

Бронза даври жанубий Ўзбекистон шаҳарлари ҳақида, моддий ёдгорликлари ҳақида гап кетар экан, шунини таъкидлаш жоизки, бу давр ёдгорликлари фақат археологик тадқиқотлар орқалигина ўрганилиб, бу даврдаги сиёсий-маъмурий тузилмалар ҳамда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ёзма манбаларсиз қиёсий таққослаш асосида ўрганилади. Айнан мана шунинг учун ҳам тадқиқотчиларнинг ушбу жараёнлар хусусидаги хулосалари кўп ҳолларда тахминлардан иборат. Масалан, А.Асқаров ва Б.Абдуллаевлар бронза даври ривожланишининг Жарқўтон босқичини ибтидоий жамоа тузumi емирилиш даврига кўзали ва молали босқичларини эса мулкий тенгсизлик муносабатлари пайдо бўлиши даврига оид деб ҳисоблайдилар. Сўнгги йиллардаги тадқиқотлар натижаларини умумлаштирган А.Асқаров Жарқўтонни, умумий майдони 100 гектардан кам бўлмаган шаҳар давлат сифатида изохлаб берди. Шунингдек, Э.Ф.Ртвеладзе ўзининг сўнгги йиллардаги ишларидан бирида Ўзбекистон ҳудудидаги илк давлатчилик масалаларига тўхталиб, милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярми Ўзбекистон жанубида кичик давлатга ўхшаш тузилма қарор топади. Давлатнинг

бундай намунаси Жарқўтонда ўз аксини топган дейиш мумкин деган фикрни илгари суради.

Тадқиқотлар таҳлилидан шундай хулоса қилиш мумкинки, Жарқўтонда манзилгоҳдан ташқарида бунёд этилган махсус қабристонлар Сополлига нисбатан жамиятнинг ижтимоий ривожланиши юқори даражада бўлганлигидан далолат беради. Ундан ташқари, ички бозор учун махсулот ишлаб чиқарган кулолларнинг қилган ишлари кулолчилик юксак даражада ривожланганлигидан далолат беради. Шунингдек қабрлардан топилган буюмларнинг сони ва сифати ҳам мулкий табақаланиш нисбатан кучайганлигидан далолат беради.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, жанубий Ўзбекистон худудларида яшаган ўтроқ деҳқончилик жамоалари жамият тараққиётининг юқори поғонасида бўлиб, ибтидоийликнинг сўнгги босқичидан цивилизацияга ўтадилар. Ушбу цивилизациянинг бошланиши шаҳармонанд белгиларни ўзида акс эттирган Сополлитепа бўлган бўлса, Жарқўтон айнан йирик шаҳар белгиларини ўзида мужассамлантирган марказ эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
4. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
5. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. 7-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
6. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. - 32 б.
7. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Тошкент: Шарқ, 1999. -181 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 430 б.
11. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. -Б.84.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.- Тошкент: Ўзбекистон, 2011.-439 б.
13. Гремяцкий М.Д. Череп ребенка неондертальца из грота Тешикташ. М.: Наука 1981.
14. Исломов Ў.И., Крахмаль К.А. Полеэкология и следы древнейшего человека в Центральной Азии. Тошкент: Фан 1995.

15. Кабиров Ж., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. Тошкент: Ўқитувчи. 1990.
16. Аскарлов А. А. Сапаллитепа – Т. 1973.
17. Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы на юге Узбекистана. – Т. 1977.
18. Аскарлов А.А Абдуллаев Б. Джаркутан. – Т 1983.
19. Аскарлов А.А Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд 1993.
20. Аскарлов А.А. Энг қадимги шаҳар. Т 2001.
21. Исомиддинов М. Сополга битилган тарих. – Т. 1993.
22. Исамиддинов М.Х. Сулайманов Р.Х Еркурган (стратиграфия и периодизация). – Т. 1984.
23. Сагдуллаев А.С ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият таракқиёти. – Т. 2000.
24. Шайдуллаев Ш.Б Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. – Т. 2000
25. Ширинов Т.Ш Орудия производства и оружие эпохи бронза Среднеазиатского Междуречья. – Т. 1986.
26. Ўзбекистон тарихи. А.Сагдуллаев. Б.Эшов тахрири остида. – Т. Университет, 1997.
27. Ўзбекистон тарихи. Муаллифлар жамоаси. – Т. 2003.
28. Эшов Б. Цивилизация тарихида илк шаҳарлар. – 2004.
29. Қудратов С.С Марказий Осиё Худудларида илк давлатларнинг пайдо бўлиши. – Гулистон. 1998. 18-19 бб.
30. Ўзбекистон тарихи (1-қисм). Т. “Университет” 1997.
31. Ўзбекистон тарихи (талабалар учун қисқача маърузалар матни), Т., “Университет”, 1999.
32. Шамсутдинов Р. Каримов Ш Ватан тарихи (биринчи китоб) Т.; “Шарқ” 2010.

ДАВРИЙ МАТБУОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1. Каримов И.А. «Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди»// Халқ сўзи.-2005, 19 январь.

2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз—жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи. -2005, 29 январь.

3. Ртвеладзе Э.В. Новые древнебактрийские памятники на юге Узбекистана.// Бактрийские древности. – 1976.

4. Ртвеладзе Э.В. О численности населения кушанских населённых пунктов Северной Бактрии.// История и археология Средней Азии. – Ашхабад, 1978 С 107-114.

5. Сагдуллаев А.С. Древне земледельческие поселения предгорий Байсунтау.// История и археология Средней Азии ВИИ-ИВ вв. до н.э. (Бактрия, Маргиана, Согд). – Т. 1987

6. Сагдуллаев А.С. Хакимов З.А. Археологические изучение городища Кызыл-тепе (по итогам работ 1973-1974 гг.).// Бактрийские древности. – Л. 1976. С 24-39

7. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Т 1996.

8. Сагдуллаев А.С. Лушпенко О.Н. Кеш воҳасидаги энг қадимги шаҳар. // Кеш-Шахрисабз тарихидан лавҳалар. 2-лавҳа. Т. 1998 44-62 бб.

ИНТЕРНЕТ МАНБАЛАР

1. www.асиапасифис.народ.ру.

2. www.еурасиа.орг.ру.

3. www.ему.кз/асадемисс/хуманитариян/вхисторй/

4. www.хисторй.ру